Юртимизда ҳукм сураётган дўстлик ва бирдамлик муҳити — тинчлик ва барқарорлик, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини янада юксалтиришнинг энг муҳим омилидир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O'zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2021-yil
4-avgust
chorshanba
№ 32 (1248)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

24 OKTABR 2021-YIL O'ZBEKISTON PREZIDENTI SAYLOVI

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Маълумки, жорий йилнинг 24 октябрида мамлакатимиз ҳаётида муҳим сиёсий воқеа – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтади. Шу кунларда Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда бўлажак сайловни очиқ, ошкора ва шаффоф, умумэътироф этилган халқаро демократик тамойиллар асосида ҳамда юқори ташкилий даражада ўтказиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампанияси бошлангани эълон қилинган кун – 23 июлда бир йўла учта тадбир – Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси, мазкур Комиссия ҳузуридаги Матбуот марказининг очилиши ва матбуот анжумани ўтказилди.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ушбу тадбирлар оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерларнинг фаол иштирокида ўтди. Журналистларнинг, жумладан хорижлик журналистларнинг Президент сайловига оид кўплаб саволларига Марказий сайлов комиссияси раҳбарлари ҳамда аъзолари томонидан батафсил жавоблар берилди. Қатор теле ва радиоканаллар бу тадбирларни тўғридан-тўғри эфирга узатди. Махсус репортажлар, жумладан, онлайн ҳамда фоторепортажлар, интервьюлар тайёрланди. Босма ва интернет нашрларда турли тилларда ўнлаб таҳлилий мақолалар эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Зайниддин Низамходжаев матбуот анжуманида алоҳида таъкидлаганидек, буларнинг барчаси, аввало, мустақил мамлакатимизда давлат ҳамда жамият қурилиши соҳасида амалга оширилаётган тизимли, изчил, айни пайтда, жадал ислоҳотлар самарасидир.

2 - б.

"ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЯНГИ ҚЎШНИЧИЛИК" ТАНЛОВИГА

Тобора кучга тўлиб, умумсайёравий масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этаётган Ўзбекистон минтақавий ва умумсайёравий барқарорликни таъминлашда яна бир муҳим қадам ташлади. Шу йилнинг 16 июль куни Тошкентда "Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий ўзаро боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар" мавзусида Халқаро конференция бўлиб ўтди. У Марказий ва Жанубий Осиё минтақасида тинчликни мустаҳкамлаш, афғон можаросини ҳал қилиш орқали умумдунёвий тараққиётни таъминлашга даъват этган ўзига хос сиёсий ва ижтимоий ҳодиса сифатида тарихга кирди.

ТОШКЕНТ ДАЪВАТИ

У умумпланетар моҳият касб этмоқда

Ўзбекистон Президентининг Тошкент форумида сўзлаган нутқи нафақат Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси тақдири, балки, бутун Ер шари, инсониятнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган ғоят долзарб, ҳозиржавоб даъват бўлиб майдонга чиқди. Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган ушбу форум яна бир бор дунё диққатини бир нуқтада жамлади. Улкан минтақанинг йирик сиёсат ва давлат арбоблари, дипломатлари, олимлари ва мутахассислари Ўзбекистон билан жўровоз бўлиб ҳозирги дунёнинг бугуни ва истиқболи юзасидан фикр алмашишди.

Ўзбекистон раҳбари форумда қилган маърузасида минтақа ва дунёвий тараққиёт билан боғлиқ бўлган ўнта жиддий ҳар томонлама асосланган, ҳар бир инсон тақдири ва келажаги билан боғлиқ бўлган муаммони кўтариб чиқди. Бу бевосита Марказий Осиё давлатларининг анъанавий бирлиги, уларнинг этногенетик келиб чиқиши, қадриятлари ва турмуш тарзининг муштараклигидан келиб чиқадиган ва олис истиқболга қаратилган ҳамкорлик, биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан боғлиқ.

Улкан минтақада хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳозирги замоннинг энг долзарб муаммоси эканлигини алоҳида таъкидлади ва "Бизнинг хавфсизлигимиз бўлинмасдир. Уни фақат конструктив мулоқот ҳамда биргаликдаги саъй-ҳаракатларимиз орқали таъминлаш мумкин" деган қатъий хулосага келди. Бу ўта жиддий минтақавий ва умумдунёвий аҳамиятга эга бўлган масала бевосита Афғонистон, унинг бугуни ва истиқболи, бир неча ўн йиллик можаролар билан боғлиқ бўлган ҳодисадир.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасидаги муносабатлар ҳар икки мамлакат халқларининг истиқболига, шунингдек, Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, тарихан бир маконда яшаб келаётган икки халқ ўртасидаги қардошлик ва яқин қўшничилик муносабатларини янада чуқурлаштириш ғоясини илгари сурмоқда. Юқори даражадаги Тошкент халқаро конференцияси ана шу муаммоларнинг ечимини топишда янги босқич бўлди дейиш мумкин.

2 - б.

ИККИНЧИ ФИКР

МЕНИНГ МИЛИЦИЯММИ, ЁКИ...

Ўшанда бизлар кичкина болалар эдик. Маҳалламизда худди рус болалар шоири Сергей Михалковнинг "Стёпа амаки – милиционер" шеърининг қаҳрамонига ўхшаш баланд бўйли милиционер ака бўларди. Адашмасам аканинг исми Собиржон эди. Одамлар бу одамни оддий қилиб: Собиржон мелиса, деб қўйишарди. Ростини айтсам, ўша замонларда ака-оталаримиз кўчада етаклаб борарканлар бизга қараб: "тўғри юр, бўлмаса, милицияга бериб юбораман", дея қўрқитишарди. Аммо биз қўрқмасдик. Чунки маҳалламиздаги Собиржон мелисани яхши билардик. Барча милиционерлар ҳам унга ўхшаган бўлади, деб ўйлардик. Собиржон мелиса жуда оддий одам эди. Эгнида милиция формаси, бошида ваҳимали фурашка. Ёнидан ўтаётган ёш-қари бўлсин барча билан "Ассалому алайкум", дея сўрашади. Агар ҳамроҳи ёши ўтган қария бўлиб, елкасидаги саватга узум жойлаб бозорга бораётган бўлса, дарров саватни ўз елкасига оларди. Рўпарасидан болалар чиқиб, унга йўл бўшатсалар, уларни қўлларига чўнтагида олиб юрадиган конфетларидан улашарди. Шу боис ҳам милиционерлардан қўрқмасдик...

Куни кеча "Газета uz" сайтида эълон қилинган бир хабарни ўқиб ўтириб, ўша "ҳеч ким қўрқмайдиган ва ҳеч кимни қўрқитмайдиган" раҳматли Собиржон мелиса ёдимга тушди. Эҳ-ҳе, уларнинг замонларидан буён қанча сувлар оқиб ўтди. Орада шундай пайтлар бўлдики, ҳамма ёшлар ўзини милиционерликка урди (бу ҳаракат ҳали замон давом этмоқда. Гарчи баъзилар: йўқ, бугунги ёшлар ўзларини бизнесга уришяпти десалар, баъзилар йўқ, ҳалиям мелиса, прокуратура, судьялик от устида боряпти. Чунки бизнесга пул керак, мелиса, прокуратура ва судьяларнинг маошлари ўзи катта пул, дейишади). Майли, бу дунёда ҳар ким ўзига ёққан касбни танлайди. Бундай ҳуқуқ Конституциямизда ҳам мустаҳкамлаб қўйилган. Гапимизга келайлик.

Шундай қилиб, "Газета uz"сайти ўзининг шу йилнинг 29 июлида бир хабар эълон қилдики, наинки мен, шунингдек, уни ўқиган кўпчилик ёқа ушлаган бўлса ажаб эмас.

6 - б.

31 АВГУСТ — ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

ҚАТАҒОНДАН ЧЎЧИМАГАН САРДОР

Маълумки, аксарият инсонлар Сталин даврида амалга оширилган қатағон даврда ҳамма сукунат билан рўй бераётган даҳшатли воқеаларга муносабат билдирмаган, деган тасаввурда.Чунки тоталитар тузумда қарши фикр билдиришнинг ўзи, қатағон қилинаётганларга ачиниш туйғусининг ифодаланиши, айбланаётган инсонларга шериклик дея баҳоланиши мумкин эди. Аммо тарихий ҳужжатларга кўра, ҳали қатағон тўлқини бошланмасидан олдиноқ, жамиятда бўлиб турган мудҳиш воқеаларга қарши фикр билдирган инсонлар бўлган. Ана шундай жасоратли одамлардан бири Исроил Ортиқов эди.

Хўш, Исроил Ортиқов ким эди?

Бу шахс тақдирига тўхталишдан олдин, Хоразм вилояти мисолида шу даврда бўлиб ўтаётган воқеаларга бир назар солсак.

Аслида "Катта террор" давридаги тозалашга олдин "фатво" берилган — 1923 йилнинг 12 июнь куни Москвада бўлган РКП(б)нинг тўртинчи йиғилишида "халқлар отаси" И.В.Сталин нутқ сўзлаб, унда шундай таҳдидона фикрларни билдириб ўтганди: *"…Хоразм ва Бухоро ҳақидаги нутқимга қайтаман. Хоразм тўғрисида хоразмлик вакиллар бугунги йиғилишда қатнашмаётганлиги сабабли гапириб ўтирмайман. Қўлимдаги материаллар билангина Хоразмдаги партия, давлат ишини баҳолаш адолатдан эмас. Бу ерда Хоразм тўғрисида Бройдо нима деган бўлса, буларнинг ҳаммаси ўтмишга тааллуқлидир. Хоразмнинг келгусидаги аҳволи учун бу катта аҳамиятга эга эмас. Партия тўғрисида у (Бройдо) партия аъзоларининг 50 фоизи савдогарлар ва бошқалардир деди. Балким бу ўтмишда шундай бўлгандир. Лекин Хоразмда ҳозирги пайтда тозалаш олиб бориляпти. Ҳали Хоразмга бирорта партия билети берилган эмас. Партия тўғрисида тозалашдан кейин гапирса бўлади. Айтишларича, Хоразмда бир неча минг партия аъзоси бор. Ўйлайманки, тозалашдан кейин у ерда 100 дан ортиқ партия аъзоси қолмайди. Бухорода ҳам ўтган йили шундай аҳвол мавжуд бўлиб, 16 минг партия аъзоси бор эди. Маълумки, тозалашдан кейин 1000 дан зиёд партия аъзоси қолди".* (И.В.Сталин, Тўла асарлар тўплами, 1947 йил, 5-том, 330-бет, Москва).

Сталиннинг бу фикри кўп йиллар давомида дастуриламал вазифасини ўтади. Натижада жойларда тозалаш, коллективлаштиришга қарши бўлган мулкдорларни "қулоқ", "ёт унсур" дея қамаб, сургун қилиш, эркин фикрли, эътиқодли инсонларни таъқиб қилиш авж олди.

Биргина 1929 йилда хонлик даврида қозикалон, Хоразм Халқ Республикаси даврида адлия нозири бўлган Бобоохун Салимов 1907-1912 йилларда Истанбул университетида ўқиган, кейинчалик ХХР маданият нозири бўлиб ишлаган мулла Бекчон Раҳмоновлар жадид зиёлиси сифатида ўз уйларида отиб кетилади.

3 - б.

МУНОСАБАТ

НОНИМИЗ ҲАМ, СЎЗИМИЗ ҲАМ ҲАЛОЛ БЎЛИШИ КЕРАК

Бугун юртимизда сўз ва матбуот эркинлигига алоҳида эътибор қаратилаётгани, очиқлик ва шаффофлик сиёсати юритилаётгани сир эмас. Шу сабабдан ҳам нафақат ҳар бир журналист, керак бўлса, ҳар бир юртдошимиз ўз фикр-мулоҳазасини ОАВда бемалол, ҳеч қандай монеликсиз билдирмоқда. Чунки матбуот эркин минбардир.

Аммо сўз ва матбуот эркинлигидан фойдаланиш ҳам сўзсиз қонун доирасида бўлишини тақозо этади.

Бир ойн аввал касб байрамимиз куни Президентимиз фармонларига биноан ўнлаб журналистларга Давлат мукофотлари топширилди, "Йилнинг энг фаол журналисти" танлови ғолиблари ҳам тақдирланиб, республикамиздаги юзлаб касбдошларимиз меҳнати рағбатлантирилди. Давлат раҳбарининг журналистларга бўлган бундай муносабати ва юксак ғамхўрлигини, очиғи, ҳамма мамлакатларда ҳам кўравермайсиз. Қолаверса, касбдошларимиз орасида фидойи, фаол фуқаролик позицияга эга, юртсевар журналисларни кўриб, ғурурланамиз. Афсуски, гоҳида…

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўз табригида қуйидагиларни қайд этди: "Аминманки, мазкур соҳада йиллар давомида эришилган энг яхши ютуқ ва анъаналарни сақлаб қолиш, холислик ва ҳаққонийлик принципларига, қонун талабларига қатъий риоя қилиш, фуқаронинг шаъни ва ғурури, унинг ўз мустақил фикрига эга бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш, юксак профессионал маҳорат сизлар учун доимо асосий фаолият мезони бўлиб қолади".

4 - б.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ:

ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

1-б.

Демократик давлат ва адолатли жамият барпо этиш сари дадил қадам қўйган Янги Ўзбекистонда очиқлик ҳамда ошкоралик жамият ҳаётидан тобора кенг ва мустаҳкам ўрин олаётгани давлатимизнинг халқаро нуфузи муттасил юксалиб бораётгани билан боғликдир.

Матбуот марказида тажрибали журналистлар, ҳуқуқшунослар, таржимонлар, экспертлар ҳамда бошқа мутахассислардан иборат ихтисослаштирилган гуруҳлар фаолият олиб боради. Ушбу марказ сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараённинг оммавий ахборот воситаларида ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз ҳамда бошқа тилларда кенг ёритилишини таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси мажлисларида кўриб чиқиш учун маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларини аккредитация қилиш билан боғлиқ ҳужжатларни Сайлов кодекси ҳамда Марказий сайлов комиссиясининг тегишли қарорлари талабларига мувофиқ тарзда тайёрлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жараённи тезкорлик билан холис ёритиши учун аккредитация қилинган оммавий ахборот воситалари вакилларини тегишли маълумот ҳамда ахборот материаллари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари ҳақида миллий ҳамда хорижий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материалларни мунтазам ўрганади, мониторингини юритади, таҳлил қилади ва натижаларини Марказий сайлов комиссиясига тақдим этиб боради.

Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловда очиқлик, ошкоралик ҳамда адолатни таъминлашга қаратилган тизимли ишлар Комиссиянинг 2021 йил 14 апрелдаги қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш бўйича асосий тадбирлар дастурига биноан амалга оширилмоқда.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, сайловга тайёргарлик кўришдаги энг муҳим вазифалардан бири – фуқароларга сайлов тўғрисида тўла, ишончли ва тезкор ахборотни етказиш, аҳолида сайлов оддий, шу билан бирга, муҳим фуқаролик бурчи эканлиги ҳақидаги фикрни шакллантириш, бефарқлик кайфиятидаги кишиларни сайлов ҳуқуқини фаол амалга оширишга чорлаш, уларга сайлов жараёнида иштирок этишдан ҳар бир фуқаро ҳамда жамият манфаатдор эканлигини сингдириш ва ҳар бир фуқаро қалбида мамлакат тараққиётига дахлдорлик ҳиссини уйғотишдан иборат.

Марказий сайлов комиссияси ҳамда барча даражадаги сайлов комиссиялари Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида ўз ишини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича Календарь режасига биноан, қонунийлик, мустақиллик, холислик, очиқлик, ошкоралик ҳамда шаффофлик тамойилларига тўла амал қилган ҳолда ташкил этаётир.

Марказий сайлов комиссияси билан мамлакатимиздаги етакчи оммавий ахборот воситалари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кампаниясини ёритиш бўйича ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланган бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзА, “Дунё” ахборот агентлиги, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, “Zo‘r TV” телерадиокомпанияси, “UzReport” ахборот агентлиги билан октябрь ойида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларида оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни кучайтириш ҳамда тайёргарлик ишларининг олиб борилиши ва ўтказилишини ёритиш бўйича икки томонлама меморандумлар имзолади. Қайд этиш керакки, Марказий сайлов комиссиясининг ушбу йўналишдаги ҳамкорлари орасида нодавлат оммавий ахборот воситалари сони тобора кўпаймоқда.

Меморандумларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш доирасида барча даражадаги сайлов комиссияларининг фаолиятини изчил ёритиш, сиёсий партиялар ҳамда номзодлар учун уларнинг сайлов олди дастурлари қоидалари, мамлакатимиз сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг муҳим масалаларига оид мустақил нуқтаи назарларини сайловчиларга, кенг жамоатчиликка етказишда оммавий ахборот воситаларида тенг ҳажмда эфир вақти ва нашр майдони ажратиш йўли билан кенг ҳамда тенг имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилади.

Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда Президент сайловининг аҳамияти, ўзига хос жиҳатлари, Сайлов кодекси, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларга ҳамда сайлов ташкилотчиларига етказиш борасида кенг кўламли ва изчил ишлар амалга оширилди ҳамда оширилмоқда.

Ўтган олти ой мобайнида мамлакатимиздаги ва хориждаги оммавий ахборот воситалари, Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ушбу мавзуларда юзлаб мақолалар, суҳбатлар, интервьюлар, видеороликлар эълон қилинди. Брифинглар, матбуот анжуманлари ва савол-жавоб кечалари уюштирилди. Сайловга бағишланган бундай тадбирлар миллионлаб фуқароларни қамраб олди.

Жумладан, “Сайлов қонунчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, сайловларни ўтказиш билан боғлиқ энг муҳим янгиликларга бағишланган матбуот анжумани жонли эфирда ўтказилди.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасида “Янги Ўзбекистон: сайлов ҳуқуқининг янги кафолатлари” мавзусида семинар ташкил этилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ҳамда қўшимчаларга доир давра суҳбати бўлиб ўтди. Бундай қизиқарли тадбирлар мамлакатимиздаги бошқа кўплаб олий таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ҳам ўтказилганини, уларда минглаб сайловчилар, жумладан, ёш сайловчилар иштирок этганини таъкидлаш жоиз.

Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уйда (Маърифат маркази, Симпозиумлар саройи биносида) иш бошлаган Матбуот маркази ва мамлакатимизнинг минтақаларидаги ҳудудий бўлинмалари замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланди.

Уларда журналистларга ҳамда кенг жамоатчиликка Президент сайловига оид масалалар бўйича тезкор ахборот етказиш мақсадида матбуот анжуманлари, брифинглар, учрашувлар ва бошқа тадбирлар ташкил этишга доир ишлар изчил бошлаб юборилди. Таъкидлаш керакки, Матбуот маркази Марказий сайлов комиссиясининг “Saylov2021” веб-портали ҳамда бошқа ахборот ресурсларининг юритилишини ҳам таъминлайди.

Сайлов комиссиялари аъзолари ва сайловчилар тезкорлик билан фойдаланиши учун мўлжалланган “Saylov2021” мобил илованинг тақдимоти Матбуот маркази томонидан ўтказилган илк тадбирлардан бири бўлди. Илова сайловга оид зарур маълумотлар билан мунтазам тўлдириб борилади.

Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати раҳбари Жалолиддин Усмоновнинг айтишича, марказ оммавий ахборот воситалари вакилларини нафақат бўлиб ўтган, балки режалаштирилаётган тадбирлар ҳақида ҳам аввалдан хабардор этишни йўлга қўйгани жамоатчиликка Президент сайловига оид энг муҳим янгиликларни тезкорлик билан етказишга, бу борадаги иш кўлами ва сифатини янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Жумладан, Матбуот марказининг телеграмм каналдаги саҳифаси орқали 27 июль куни маълум қилиндики, 28 июль соат 11:15 да “Ўзбекистон24” ва “ЎзРепорт” телеканаллари орқали Матбуот марказидан жонли эфир узатилади. Кўрсатув “Saylov2021” мобил иловаси, “Saylov2021” (http://saylov2021.uz) веб-портали ҳамда Матбуот марказида журналистларга яратилган шароитларга бағишланган. Тадбирда Марказ вакиллари журналистлар ва блогерларни сайлов жараёнини ёритишда фаол иштирок этишга чақирди.

29 июль куни Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партияларнинг ваколатли вакилларига мандатлар топшириш маросими бошланганига доир янгилик онлайн тарзда эълон қилинди. Ушбу тадбир бўлиб ўтиши ҳақида ҳам бир кун аввал ижтимоий тармоқлар орқали хабар берилган эди.

Марказ томонидан ишнинг бундай замонавий талаблар асосида тезкорлик билан ташкил этилаётгани самарасида Президент сайловига доир муҳим янгиликлардан миллионлаб сайловчилар ўз вақтида хабардор бўлмоқда.

Айни пайтда Марказий сайлов комиссияси Матбуот хизмати Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ёритишда қатнашадиган оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш жараёни давом этаётганидан хабардор қилди.

Яқин кунларда Матбуот марказида “Ишонч телефони” (Call center) ишга туширилади. Фуқаролар, жумладан, хорижда яшаб турган ватандошларимиздан “Ишонч телефони” орқали тушадиган сайловга оид саволларга тажрибали ҳуқуқшунослар ҳамда экспертлар томонидан тўлақонли жавоблар берилиши йўлга қўйилади.

Бундай кенг кўламли, тизимли ва изчил ишларнинг барчаси пировардида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини конституциявий қоидалар ҳамда халқаро сайлов андазалари, демократик тамойиллар асосида очиқ-ошкора ўтказишга хизмат қилади.

Равшан БУРХОН,
журналист.
Иброҳим ДУШАНОВ (фото).

ТОШКЕНТ ДАЪВАТИ

У умумпланетар моҳият касб этмоқда

1-б.

Жумладан, унда Афғонистондаги мавжуд сиёсий келишмовчиликлар, қарама-қарши кучларнинг манфаатлар пойгасини тугатиш, Афғонистон ҳукумати ҳамда қуролли мухолифат ўртасида соғлом, шарқона муносабатлардаги ақл устуворлиги тамойилига амал қилиш ва музокаралар йўли билан мамлакатда тинчликни таъминлаш ғояси илгари сурилди.

Мамлакатимиз раҳбари Афғон муаммосининг генетик асосларини, унинг келиб чиқиш илдизларини катта сиёсий адолат тамойилига суянган ҳолда изоҳлаб берди. Аслини олганда Президент 2018 йил Тошкентда бўлиб ўтган конференцияда ушбу масалага ўзининг баҳосини берган эди. Жумладан, “Афғонистондаги қуролли қарама-қаршилик ва зўравонлик пайтида бутун бир авлод вояга етди. Лекин бу айрим экспертлар андишасизларча таъкидлаётганидек “Бой берилган авлод” эмас. Улар уруш, муҳтожлик ва қийинчиликлардан чарчаган одамлар, холос. Улар ўзаро низоларга чек қўйиб, тинч ҳаётда ўз мамлакатини тараққиёт ва фаровонликка олиб борадиган бунёдкор меҳнатга қайтишни хоҳлайди ва шунга интилади. Мен қатъий аминман: Афғон халқида ўз фарзандлари ва келажак авлоднинг бахт-саодати йўлида янги, тинч ҳаётни бошлаш ва барпо этиш учун куч-ғайрат, донишмандлик, мардлик ва матонат етарли”, деган эди. Нотиқ афғон халқининг узоқ йиллик қуролли тўқнашувларга, қон тўкишларга, юз минглаб одамларнинг қурбон бўлишига айбдор эмас, демоқчи.

Ўзбекистон раҳбари таъкидлаганидек, афғон халқи буюк цивилизацияларни кўрган, инсоният тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган маҳобатли тарихга ва маданий меросга ворислик қилаётган халқ. Тақдир тақозоси билан маълум бир тарихий даврда йирик давлатларнинг (АҚШ ва СССР) ўзаро сиёсий ва қуролли пойгаларининг қурбонига айланди. Ҳудудий жиҳатдан иккита Японияга, учта Буюк Британияга тенг келадиган Афғонистон сиёсий рақобат майдонига, қуролли тўқнашув полигонига айлантирилди. Аслини олганда ҳар бир инсон миллатидан, элатидан, диний эътиқодидан ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар тўлақонли яшашга ҳақли. У, албатта, битта тирик жон сифатида катта орзу-умидлар билан яшайди. Салкам 50 йилдан буён давом этаётган узлуксиз хунрезликлар афғон халқини руҳан майиб-мажруҳ, қалбан кемтик, мақсадлар ва орзулардан мосуво бўлган элатга айлантириб қўйди. Улар ҳам ҳамма қатори тўкис, фаровон ва бахтли-саодатли яшагиси, уйим, бола-чақам деб умргузаронлик қилгиси келаётган халқ. Фақат уларга тинчлик керак, холос. Тошкент конференциясининг бутун моҳияти ва унда кўтарилган масалаларнинг умуминсоний қадрияти ана шу билан ўлчанади. Зотан, анжуманда айтилган ҳар бир гап, илгари сурилган ҳар бир фикр афғон халқининг тақдири, бугуни ва истиқболи билан боғлиқ бўлган ғоят инсонпарвар ва тараққийпарвар ҳайқириқ эди.

Ўзбекистон раҳбари жаҳон ижтимоий-сиёсий жараёнларини чуқур таҳлил этди. Жумладан, яқин Шарқ ва Шимолий Африкадаги мураккаб жараёнлар туфайли Афғонистон ва унинг халқининг тақдири, ҳаёти эсдан чиқариб қўйилди, жаҳон ҳамжамияти эътиборидан четда қолди. Афғонистонда эса вазият кескинлигича, можаролар тобора чуқурлашганича қолаверди. Яқин қўшни сифатида, азалдан бир маконда яшаб келаётган халқлар сифатида бугун ўзбеклар афғон халқи тақдирига бефарқ эмаслигини, ҳар қандай шароитда ҳам қўшнининг хонадонида тинчлик, осойишталик, фаровонлик ва бахт-саодат барқарор бўлишини истайди. Ана шу нуқтаи назардан Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати қуйидаги омиллар билан боғлиқ. **Биринчидан,** бизнинг ташаббусимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат концепциясига тўла мос келади. Бу концепцияда, аввало, қўшни мамлакатлар билан яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш устувор вазифа этиб белгиланган. **Иккинчидан,** Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари асрлар давомида ягона маданий-цивилизацион маконда яшаб келган. Азал-азалдан Амударёнинг икки томонида ўзаро ўхшаш тиллар, умумий муқаддас дин ва муштарак маънавий қадриятлар бирлаштириб турадиган халқлар яшаб келмоқда.

Амударё биз учун ҳамиша тириклик манбаи бўлиб келган, аммо одамларнинг эркин ҳаракат қилишига, савдо алоқаларини яқиндан ривожлантиришга, илм-фан соҳасидаги ютуқлар билан ўртоқлашишга ва бир-бирини маданий жиҳатдан бойитишга ҳеч қачон тўсқинлик қилмаган. Афғон заминида Марказий Осиё Уйғониш даврининг Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Фирдавсий, Рудакий, Абдураҳмон Жомий, Лутфий, Умар Хайём, Мирзо Бедил, Алишер Навоий, Камолиддин Беҳзод, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби буюк намояндалари ва бошқа кўплаб улуғ аждодларимиз яшаб ижод қилганлар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида яқин сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқалар йўлга қўйилган. Афғонистонда миллионлаб ўзбеклар яшайди. Афғонистон Конституциясига мувофиқ ўзбек тили мамлакатнинг расмий тилларидан бири ҳисобланади.

Учинчидан, барчамиз қатъий ишонамизки, хавфсизлик ягона ва бўлинмасдир ва уни фақат биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан таъминлаш мумкин. Биз хавф-хатарларнинг баъзи бирларини “ўзимизники”, бошқасини эса “бировники”, деб қабул қилмаслигимиз керак, аниқроқ айтганда, бундай қилишга ҳаққимиз йўқ.

Афғонистон хавфсизлиги — бу Ўзбекистон хавфсизлиги, бутун Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси барқарорлиги ҳамда тараққиётининг гаровидир. Айни пайтда бу улкан ҳудуд Ер шари тақдирини ҳал қилади, инсоният истиқболини белгилайди. Чунки, бу маконда салкам 4 миллиардга яқин аҳоли яшайди. Жуда катта илмий, техникавий ва ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлган, Ер ости ва Ер усти бойликлари чексиз бўлган маҳобатли минтақа Ер шари тақдирини белгилаши шубҳасиз. Ана шу нуқтаи назардан халқаро террористик ташкилотлар Афғонистонни ўзининг доимий маконига айлантириб олишига йўл қўйиб бўлмайди.

Президент Шавкат Мирзиёев афғон муаммосини жаҳон ҳамжамияти жиддий равишда кузатиб бораётганини ва ушбу масала халқаро миқёсда кенг муҳокама қилинаётганлигини алоҳида таъкидлади. Жумладан, Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий инқирозларни ҳал этиш йўлларини топиш мақсадида ташкил этилган Кобул жараёни, Москва формати, Халқаро мулоқот гуруҳи, “Осиё юраги” деб номланган Истанбул жараёни, “ШҲТ – Афғонистон” мулоқот гуруҳи ва бошқа қатор ташкилотлар Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни ўрнатиш бўйича кўпдан-кўп таклиф ва мулоҳазаларни баён этмоқдалар. Жумладан, “Ўзбекистон Кобул жараёни доирасидаги иккинчи мажлис иштирокчиларининг Афғонистон ҳукумати билан “Толибон” ҳаракатининг “Олдиндан шарт қўймаслик ва куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик тамойилига асосланган тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишни бошлаш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлайди”. Ана шу жаҳон ҳамжамиятининг якдиллик ва фикрдошлик асосидаги ғояларини маъқуллаган ҳолда Президентимиз Ўзбекистон биргаликдаги саъй-ҳаракатларининг асосий мақсад ва вазифаларини қуйидагилардан иборат деб белгилаб берди:

“**биринчи** — афғон муаммосини тинч йўл билан ҳал этишнинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича кенг ва қатъий халқаро консенсус – муросага эришиш;

иккинчи — Афғонистон ҳукумати ва қуролли мухолифат ўртасида музокараларни бошлаш механизмини ишлаб чиқиш;

учинчи — Афғонистонда миллий келишув жараёнига халқаро ҳамжамият томонидан кўмак бериш бўйича “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш. Ва ниҳоят, барча манфаатдор ташқи кучларнинг қуролли мухолифатдан Афғонистон ҳукумати билан музокаралар столига ўтиришини, қарама-қаршилик ва зўравонликка чек қўйишни қатъий ва бир овоздан талаб қилиши беқиёс аҳамият касб этади. Бундан бошқа йўл йўқ.”

...Афғон фожиаси бугуннинггина маҳсули эмас. Буни бот-бот такрорлашга эҳтиёж сезилмоқда. Бироқ бунга эскирган, мадда бойлаб даволаш қийин бўлган касалликка айланган ҳолат деб қараш ҳам нотўғри. Бугунги муаммони ҳал қилиш учун унинг пайдо бўлиш омиллари, манбалари ва ҳомийлари қарашларига жиддий эътибор бермоқ, уни бутун моҳияти билан ўрганмоқ лозим. Ана шу ҳақда фикр юритар экан, таниқли сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков Афғон можаролари илдизларини қуйидаги аянчли ҳолатлардан излайди: “Айрим расмий маълумотларга кўра, ҳар йили афғон заминида 180 минг гектардан то 240 минг гектаргача бўлган ҳосилдор ерларга қора дори экилар экан. Қанчалик аянчли бўлмасин, мана бу рақам ҳам ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди: “ҳар йили афғон заминида 9 минг тоннадан 15 минг тоннагача заҳри қотил йиғиб олинар экан. Шундан тахминан 5-7 тоннаси опий ва героиндир. Расмий маълумотлар шундан далолат беради, Афғонистонда етиштирилаётган қора дорининг қарийб 90 фоизи Европа қитъасига етиб бормоқда. Табиийки, бу ачинарли ҳолат нафақат Осиё ёки Европа қитъасининг, балки, бутун жаҳоннинг глобал муаммосидир”.

Ўзбекистон бугун биргина Афғонистоннинг келажаги учун эмас, балки, бутун Ер шари хавфсизлиги – терроризм, фанатизм ва зўравонликдан холи бўлган дунё учун курашмоқда. Куни кеча бўлиб ўтган Тошкент конференцияси жаҳон ҳамжамиятини ўтмишдаги хатолардан сабоқ чиқаришга, умумий хонадонимиз бўлган, жаҳон ҳамжамиятининг муқаддас ва мўътабар маскани ҳисобланган Ер шарида тинчлик барқарор бўлишига даъват этади. Айтиш мукинки, Тошкент халқаро конференциясининг ўтказилиши очиқ ва ошкора, юксак ақлидрокка таянган мунозара ва музокара, самимий ва дўстона мулоқот тарзида ўтганлиги, бутун дунё ҳамжамиятининг диққат-марказида бўлди. Ушбу анжуманда кўтарилган, илгари сурилган муҳим, узоқни кўзлаб ташланган қадамлар шак-шубҳасиз Президентимиз Шавкат Мирзиёвнинг юксак хизматлари деб жаҳонда ҳақли эътироф этилмоқда.

Нарзулла ЖЎРАЕВ,
сиёсий фанлари доктори, профессор.

ИЛМДАН ТОПИЛГАН ШАРАФ

СИЙРАТ

Илм йўли осон эмас. Бу йўлнинг нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг. Қўлёзма манбалар устида илмий изланиш олиб бориш, айниқса, мураккаб. Фаннинг ушбу соҳасида муайян ютуққа эришмоқ учун катта билим ва тажрибадан ташқари, сабот ва матонат ҳам зарур. Ана шу машаққатли ва шарафли йўлнинг садоқатли йўлчиларидан бири навоийшунос ва матншунос олим, филология фанлари доктори, профессор Шуҳрат Сирожиддиновдир.

У кишини таниганимга ўттиз йилдан ошди. Илмда, раҳбарлик фаолиятида эришган ҳар бир ютуғига гувоҳман. “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” монографияси нашр этилганда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида тақризим эълон қилинган. Монография давлат мукофотига тавсия этилганда, эксперт ташкилот — Ўзбекистон Миллий университети вакили сифатида фикр билдирганмиз. Биринчи даражали давлат мукофотига муносиб кўрилганда, ҳамкасбимизнинг ютуғидан қалбимизда қуёш порлаган. Ўзбекистон Миллий университетига ўқув ишлари бўйича биринчи проректор, кейин ректор этиб тайинланганда, илмий-педагогик ва раҳбарлик салоҳиятига тан берганмиз. “Маърифат надир” деган китобим нашр этилганда, энг теран таҳлилга асосланган тақризни Шуҳрат Сирожиддинов ёзган. Буларни айтишдан мурод ана шу катта олим ва салоҳиятли раҳбар билан дўстлигимиз илдизлари нечоғлик чуқур ва мустаҳкам эканини таъкидлаш, қанчалик яқиндан билишимга урғу бермоқдир.

Катта мақсадлар йўли

Шуҳрат Сирожиддинов, биринчи навбатда, матншунос ва навоийшунос олим. “XIX аср Каттақўрғон шоирлари ижодида Алишер Навоий анъаналари” мавзусидаги номзодлик диссертациясини ҳимоя қилгач, у ўз олдига катта мақсадлар қўйди. Бирламчи манбалар асосида Алишер Навоий илмий биографиясини тиклаш билан боғлиқ бу мақсад илмий изланишларини муттасил давом эттиришини тақозо этар эди. Бу дегани, кўп сонли, турли даврларда кўчирилган қўлёзма манбаларни қиёсий ўрганиш, улардаги тафовутли маълумотларни чоғиштириш, мавзуга доир тадқиқотларда билдирилган илмий қарашлар билан муқоясавий таҳлилни ўз ичига оладиган катта заҳматни зиммасига олиш демакдир. Дунё фондларидаги кўплаб қўлёзма манбаларни қиёсий-текстологик жиҳатдан синчиклаб таҳлил этиш натижасида олим 1998 йил июнь ойида “Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятига оид XV-XIX асрларда яратилган форс манбалари” мавзусидаги докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Шуҳрат Сирожиддиновнинг “Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили” монографияси ана шу тадқиқот натижаларини ўзида мужассам этди.

Маълумки, ўзбек манбашунослиги ва матншунослиги бугунги кунгача катта илмий тажриба тўплади, муайян назарий ва амалий ютуқларни қўлга киритди. Навоийшунослик мисолида эришилган натижалар, айниқса, эътиборга молик. Буюк мутафаккирнинг “Хазойину-л-маоний”, “Хамса” ва бошқа асарлари илмий-танқидий матнини тузиш бўйича амалга оширилган ишлар натижасида уларнинг муаллиф варианти, бунинг имкони бўлмаганда эса шунга яқин матнлари тикланди. Ана шундай заҳматли меҳнат самараси ўлароқ улуғ шоир асарларининг академик нашрлари юзага келди. Ҳазрат Навоий ҳаётига оид манбалар: Мирхоннинг “Равзату-с-сафо”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкирату-ш-шуаро”, Хондамирнинг “Макориму-л-ахлоқ”, “Ҳабибу-с-сияр”, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъу-л-вақоеъ” ва бошқа асарларнинг таржима ва табдил қилиниб, нашр этилиши бу борадаги ишлар кўлами нечоғлик самарали бўлганини кўрсатади. Энди манбашунослик олдида мазкур манбаларни тадқиқ этиш асосида буюк бобокалонимиз ҳаётига доир фактларни қиёсий асосда танқидий ўрганиш; асл маълумотлар билан орада пайдо бўлган тафовутларнинг моҳияти ва генезисини аниқлаш; ҳақиқат ва тўқималарни илмий баҳолаш; Навоий биобиблиографиясини тиклаш йўлида янги манба ва маълумотларни илмий муомалага олиб кириш каби долзарб вазифалар турар эди. Табиийки, бу узоқ муддат давомида кўплаб қўлёзмалар чангини ютиб, уларни ўзаро қиёслаш машаққатидан ташқари, чўнг матонатни, чуқур илмий тафаккурни, юқори даражадаги тадқиқотчилик салоҳиятини талаб этар эди. Шуҳрат Сирожиддинов монографияси ана шу хусусиятларни жамлагани билан катта илмий қимматга эга.

Муаллиф ўзи тадқиқ қилган илмий муаммо заруратини қуйидагича асослайди: “Кўпчилик кейинги давр олимлари (XVI-XIX асрларда битилган тазкиралар муаллифлари назарда тутилмоқда – Н.Ж.) Амир Алишер ҳақида янги гап айтиш илинжида халқ ривоятлари орқали етиб келган Навоий ҳақидаги маълумотларни ҳам ўз асарларида зикр эта бошладилар. Йиллар ўтиши билан тазкиранависликнинг турли савиядаги иқтидори, дунёқараши, мақсадли ёндашуви оқибатида Навоий ҳақидаги маълумотлар шунчалик ўзгаришларга учрадики, китобхон қайси маълумот асл ва қай бири сохта эканлигини ажрата олишга ожизлик қилиб қолди... Манбалардаги маълумотларни қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганиш, бир томондан, маълумотларнинг асл ва тўқима томонларини аниқласа, иккинчи томондан, Навоий ҳаёти ва фаолиятининг ёритилиш даражаси, муаллифларнинг услубий ўзига хосликларини кўрсатиб беради”.

Дарҳақиқат, ушбу монография навоийшуносликнинг ўзига хос ютуғи сифатида баҳоланишга лойиқ. “Навоийга доир маълумотларнинг ўзаро қиёсий-типологик, текстологик таҳлили”, “Навоий ва давлат хизмати”, “Султон Ҳусайн, вазирлар ва Алишер Навоий” сингари боблар моҳиятан уйғунлигидан ташқари, асардаги асосий илмий концепцияни ёритишда бир-бирини тўлдириб келади. Навоийшуносликнинг тадрижий босқичларига баҳо берар экан, муаллиф уни қуйидагича даврлаштиради: 1) улуғ мутафаккир ҳаёти ва адабий меросининг ўз замонасида ўрганилиши; 2) жаҳон сиёсий майдонида XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган сиёсий эврилишлар даври; 3) XX аср 40-йилларидан бошланган навоийшуносликнинг алоҳида илмий йўналиш сифатида шаклланиши. Муаллиф ҳар бир даврнинг хос хусусиятларини белгилайди, ютуқлари ва чекланган томонларига муносабат билдиради, муҳим умумлашмалар чиқаради. Аҳамиятли жиҳати шундаки, олим шўролар даври навоийшунослиги ҳақида фикр юритар экан, салафлари илмий ишларини холис баҳолайди. Бошқа айрим тадқиқотчиларга ўхшаб, уларнинг ўша давр мафкураси талаби билан айтилган, зоҳиран кўриниб турган нуқсонларига урғу бериш йўлидан бормай, эътиборни асосий илмий натижаларга қаратади.

Илмдаги мавжуд қарашларни янгилаш, муаммога ўзгача ракурсда ёндашиб, баъзи масалалардаги қатъийлашган хулосаларни ўзгартира билиш, энг муҳими, бунда мунозара маданиятини сақлаш илмий ишнинг ютуғини, тадқиқотчининг маҳоратини, холислигини баҳолашда асосий мезонлардир. Муаллифнинг ютуғи шундаки, биринчидан, у илк манбалардаги ихтилофли фикрлар таҳлили асосида улар ичидан асл ҳақиқатларни аниқлай билди. Жумладан, Мирзо Ҳайдар Дўғлотнинг “Тарихи Рашидий” асаридаги Навоий насабига оид қарашларга муносабат билдирар экан, олим шундай ёзади: “Кейинги даврларда яратилган манбалардаги маълумотлар кўриб ўтилганлари каби муҳим ва оригинал эмас. Ҳатто баъзиларини сохта ва адаштирувчи маълумотлар сирасига қўшиш мумкин... Мирзо Ҳайдар умрининг асосий қисми Кошғарда ва охири Ҳиндистонда ўтган. Унда Навоий ҳақидаги маълумотларни улуғ шоирни шахсан таниган кишилардан олиш имконияти йўқ эди. Ҳатто умрининг охирини бобурийлар саройида ўтказган Хондамир ҳам Мирзо Ҳайдарнинг Ҳиндга келишидан тахминан етти йилча илгари вафот этиб кетганди. Шундай бўлгач, Мирзо Ҳайдар баҳс этилаётган мавзу бўйича ўз ҳамасрлари Фахрий ва Сом мирзочалик ўз маълумотларини қайта текшириб кўриш имконига эга эмас эди”.

Муаллиф кейинги асрларга тааллуқли манбаларни ўрганар экан, улардаги икки қусурни ажратиб кўрсатади: 1) текшириб кўрилмаган турли маълумотларни қўшиб баён этиш (Абдулмўминхоннинг “Тому-т-таворих” асари); 2) мавжуд маълумотларнинг ўзгартирилиши (Дарвиш Али Чангнинг “Туҳфату-с-сурур”и). Табиийки, қиёсий таҳлилнинг бундай усули катта заҳматни, шу билан бирга, олимона идрокни талаб қилади.

Ҳақиқат баҳсларда ойдинлашади

Алишер Навоий ҳаётига доир манбаларни қиёсий ўрганар экан, Шуҳрат Сирожиддинов зарур ўринларда В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, Олим Шарафиддинов, Садриддин Айний ва бошқа олимларнинг баъзи фикрлари билан баҳсга киришади ҳамда ўз мулоҳазаларини ишонарли далиллайди. Жумладан, муаллиф Бобурнинг “Алишербек мизожи нозиклик билан машҳурдур” деган таърифидаги “нозиклик” яъни “назокат” сўзини В.В.Бартольд “высокомерие” – “калондимоғлик” деб таржима қилганини ёзар экан, А.Н.Болдиревнинг “толкование слова “назокат” В.В.Бартольда неверно: его следует понимать в данном случае как “преувеличенная щепетильность”, быстрая “необоснованная раздражительность”, тарзидаги фикрини келтиради ҳамда мана бундай хулоса чиқаради: “Айни ҳолатда А.Н.Болдирев изоҳи жуда тўғри, Навоийнинг фақру фанога эътиқодини билган Заҳириддин Муҳаммад Бобур “назокат” деганда такаббурликни назарда тутмаган. “Бадоеъу-л-вақоеъ” ва бошқа асарларда учровчи фактлар Навоийнинг нозиклиги унинг тез хафа бўлиши (яъни нозиктаъблиги – Н.Ж.) билан изоҳланишини тасдиқлайди”.

Яна бир мисол: монография муаллифи навоийшуносликдаги улуғ шоирнинг Ҳиротдан сургун қилингани ҳақидаги қарашга ҳам ўзгача муносабат билдиради. В.В.Бартольд ва Е.Э.Бертельснинг бу борадаги фикрлари билан мунозарага киришади. Унинг қайд этишича, В.В.Бартольд “Мир Алишер ва сиёсий ҳаёт” тадқиқотида: “Навоийнинг Ҳиротдан Самарқандга кетиши сургун сифатида қаралиши лозим”, деган фикрни илгари суради. “Навоий” сарлавҳали тадқиқотида Е.Э.Бертельс бу қарашни маъқуллайди. Манбалардаги маълумотларни синчиклаб ўрганган Шуҳрат Сирожиддиновнинг ёзишича: “Бертельснинг мазкур тадқиқотда бундай юзаки ёндашувининг маълум сабаблари бор. У ўта синчков манбашунос ва билимдон навоийшунос бўлса-да, Бартольд концепциясини бузмаслик учун унинг хулосалари билан манбалар орасидаги зиддиятли фикрларга аниқ чек қўймаган ва барчасини бир-бирига мослаштиришга мажбур бўлган”.

Юқорида таъкидланганидек, муаллиф монографияда илмий мунозара маданияти юқори эканини намоён эта олган. У бирламчи манбалардаги маълумотларни ўрганиш асосида теран таҳлилларни амалга оширади, кўплаб ноаниқликларга ойдинлик киритади. Шунга қарамай, ўз тўхтамларини энг сўнггги хулоса сифатида тақдим этмайди. Ўзидан кейинги тадқиқотчиларга ҳам сўз айтиш учун имкон қолдиради. Жумладан, юқорида зикр этилган “сургун” муаммосига муносабат билдирар экан, олим бу масалани қайта кўриб чиқиш навоийшуносликнинг долзарб вазифаларидан эканини айтади.

Алишер Навоийнинг бош вазир – девон соҳиби сифатида қайси соҳа ва тармоқларга масъул бўлгани билан қизиққан муаллиф манбалардан уларнинг қуйидагилардан иборат эканини аниқлайди:

1. Турли халқ йиғинлари ва умумхалқ тадбирлари.
2. Ташқи ишлар. Улуғ меҳмонларни расмий қабул қилиш ва кузатиш.
3. Фавқулодда ҳолатлар, исёнлар, чегара муаммолари.
4. Порахўрликка қарши кураш.
5. Талончилик ва босқинчиликка қарши кураш.
6. Суд-адлия.
7. Вилоятлардан тушган ариза ва шикоятларни текшириш.
8. Амнистия (афв этиш).
9. Диний алоқалар.

Бу маълумотлар бугунги авлодларга ҳазрат Навоий бажарган ишлар кўламининг нечоғлик катта бўлганини тасаввур этиш имконини бериши билан ҳам қимматлидир.

Умуман, ушбу монография навоийшуносликни янги илмий хулосалар билан бойитувчи, адабий манбашунослик ва матншунослик ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилувчи муҳим тадқиқот сифатида аҳамиятлидир.

Илмдаги энг сўнгги янгиликларни олий таълим аудиториясига олиб кириш, ўқув жараёнига татбиқ этиш илмий тадқиқотлар уфқини кенгайтиргани каби таълим-тарбия тизимининг ҳам ривожига хизмат қилади. Шуҳрат Сирожиддиновнинг “Навоийшунослик”, “Ўзбек матншунослиги қирралари”, “Матншуносликдан сабоқлар”, “Ҳижрий ва милодий йилларни ўзаро табдил қилиш усуллари” сингари дарслик ва ўқув қўлланмалари бу жиҳатдан алоҳида қимматга эга. Олимнинг Ўзбекистон халқаро ислом академияси ўқув жараёни учун ёзган “Ислом фалсафасига кириш: калом илми”, “История религий” дарсликлари, “Ўзбек адабиётининг фалсафий сарчашмалари” қўлланмаси янги илмий хулосалари ҳамда таҳлилий қуввати билан алоҳида ажралиб туради.

Олим фаолиятини баҳолашнинг муҳим кўрсаткичи фаннинг устувор илмий йўналишларида муносиб издошлар — шогирдлар етиштириш даражаси билан ҳам белгиланади. Унинг бевосита илмий раҳбарлигида 40 дан зиёд магистр, 9 нафар фан номзоди ва филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ва 4 нафар фан доктори (DSc) илмий даражасига эга мутахассислар етишиб чиққани Шуҳрат Сирожиддиновнинг илмий кадрлар тайёрлаш борасида ҳам самарали меҳнат қилаётгани исботидир.

Олим агар раҳбар бўлса...

Қарийб беш йилдан зиёдроқ вақт мобайнида Шуҳрат Сирожиддинов Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори сифатида фаолият юритиб келяпти. Гарчи ташкил этилганига кўп бўлмаса-да, унинг раҳбарлик иқтидори боис университет мамлакатимиз олий таълим тизимида муносиб ўрин эгаллади, нуфузи кундан-кунга ошиб бораётир. Қисқа давр мобайнида Ўзбекистон олий таълим муассасалари миллий рейтингида тўққизинчи ўринга кўтарилди. Бундай натижага эришиш ўз-ўзидан бўлмаслиги аниқ. Бунинг учун таълим тизимига хос муаммоларни чуқур билиш, уларни ҳал этиш механизмини эгаллаш, жамоани катта мақсадлар сари йўналтира олиш, керак бўлса, тунни тонгга улаб меҳнат қилиш зарур.

Албатта, бугунги глобаллашув замонида ҳеч бир олий таълим муассасаси ўз қобиғида ривожлана олмайди. Фан ва ишлаб чиқариш билан, дунё таълим тизими билан интеграция йўлга қўйилмас экан, таълимни замон талаблари даражасига юксалтириш ҳақидаги орзулар орзулигича қолиб кетаверади. Чинакамига ривожланмоқчи бўлган университет дунёга чиқмоғи, нималарга қодир эканини халқаро майдонда синамоғи, ҳамкорлар билан тажриба алмашиб, жаҳон таълим тизимидаги илғор ютуқларни ўқув жараёнига муттасил равишда татбиқ этмоғи зарур. Ана шу эҳтиёжни теран ҳис этган Шуҳрат Сирожиддинов университетга халқаро миқёсда эътироф қозонган олимларни ишга таклиф этди. Бундан ташқари, докторлик диссертацияси бўйича изланиш олиб бораётган кезлари Бодлеан кутубхонаси, Британия музейи ва Оксфорд университети Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондидаги Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари билан боғлиқ қўлёзмаларни ўрганаётганда, Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳамда Ўзбекистон Миллий университетига ректорлик даврида ҳамкорлик қилган хорижлик мутахассислар орқали университетнинг халқаро алоқаларини мустаҳкамлади. Натижада МДҲ давлатлари, Хитой, Туркия, Корея, Япония, Буюк Британия, Германия, Польша, Ҳиндистон, Америка Қўшма Штатлари, Саудия Арабистони, Бельгия, Афғонистон олий таълим муассасалари билан 50 дан зиёд шартномалар доирасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилгани бунинг исботидир.

Олим таниқли жамоат арбоби сифатида республикамизда ижтимоий-маънавий соҳани ислоҳ этиш ишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. У Ўзбекистон Республикаси Атамашунослик комиссияси раиси ўринбосари сифатида ҳам жой номлари ва ташқи ёзувлар бўйича қонунчилик ҳужжатларини тартибга келтириш устида амалий ишларга бошчилик қилмоқда. Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги мавқеини мустаҳкамлаш, она тилимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш ишига муносиб ҳисса қўшаётир. Давлат тилининг ривожи учун кенг кўламда тарғибот ишларини олиб боряпти.

* * *

Шу кунларда Шуҳрат Сирожиддинов илм одами учун айни камолот палласи бўлган олтмиш ёшни қаршилади. Бу санага у муҳтарам Президентимиз томонидан Маънавият университети, дея юксак баҳоланган нуфузли олий таълим муассасаси раҳбари, илмдан шараф топган олим, жамият равнақига муносиб ҳисса қўшаётган жамоат арбоби сифатида қадам қўяётир. Лекин ҳали олдинда янада катта марралар турибди. Бугун янги Ўзбекистон ўз олдига Учинчи Ренессанс деган улуғ мақсадни қўйиб, шу йўлда улкан ислоҳотларни амалга оширмоқда. Табиийки, бутун жамиятнинг сафарбарлигини талаб қиладиган бу ғояни амалга ошириш учун муайян вақт билан бирга фидойи ватанпарварлар талаб этилади. Шуҳрат Сирожиддинов ана шундай фазилат эгаларидан. Маърифат ёғдуси билан ёш авлод қалбини ёритиб, ана шу улуғвор мақсадлар сари сафарбар этиб келаётгани унинг Ватан олдидаги муносиб хизматидир. Олимга ушбу мураккаб ва шунинг баробарида шарафли фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Нурбой ЖАББОРОВ,
филология фанлари доктори, профессор.

ҚАТАҒОНДАН ЧЎЧИМАГАН САРДОР

1-6.

Ёки Боғот қишлоғилик мулла Матёқуб Матниёзов 1928 йил 30 декабрда “Большевиклар Хоразмни “соғин сигир”га айлантириб қўйдилар, аввалига солиқ солдилар, ҳар хил заёмлар тақсимладилар, эндиликда эса бойлардан ерларини тортиб олмоқдалар. Мана сизга жонли мисол: заём берганларида “ютиб оласизлар”, ўз деҳқон хўжалигингизни яхшилаб оласизлар” деб айтишди, лекин ким ютуққа эга бўлди? Ҳеч ким. Гўё хўжаликни яхшилаб оласизлар, деб ширкатдан аванс бердилар, энди бўлса шу ссудани талаб қилмоқдалар, баҳорда деҳқон 100 сўмга сотиб олган хўкизни ҳозирда 40 сўмга сотади, чунки бутун ёз бўйи ишлаб топган пулни заём ва солиқ учун олиб қўйишмоқда, деҳқон ссудани тўлаш учун сотишга мажбур бўлмоқда”, дея ҳақиқатни кўпчилик олдида айтгани учун “қулоқ” сифатида сургун қилинади.

Ўша даврда қулоқ қилинган фақатгина у эмас эди. Қурбон Берегиннинг ёзишига кўра, “1928 йилнинг ўзида, Хоразм округи бўйича собиқ хон амалдорлари, тўраларнинг 200, руҳоний уламоларнинг 52, савдогарларнинг 141, судхўрларнинг 13, жами эса 532 мулкдор хонадоннинг хўжалиги тугатилиб, улардан 899273 таноб ери тортиб олинган. Шунингдек, 220 от, 80 туя, 229 хўкиз, жами 605 иш ҳайвони, 202 арава, 1040 та кунда, паза, ўроқ, кетмон, белкурак, яна 404 чиғир, 2 машина двигатель, 1 насос, 36 мой жувозлари, 13 гуруч жувози, 80 тегирмон, 246 та турар-жойлари тортиб олиниб мусодара қилинади” (Қ.Берегин, “Хоразм округида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш якунлари”, Самарқанд-Тошкент, 1930 йил, 44-бет).

Бундан ташқари, “тугатилган хўжаликлардан қишлоқ аҳолисига таъсир қилувчи зарарли деб 18 бой, 14 собиқ хон хонадонига қарашли тўралар, 10 руҳонийлар, 8 савдогарлар, 4 судхўр, жами 55 киши топилди ва улар район ер комиссиялари томонидан зарарли деб топилиб, округ доирасидан сургун қилинди” (Қ.Берегин, юқоридаги китоб, 45-бет).

Ана шундай қалтис бир вазиятда бегуноҳ қулоқ ва қатағон бўлаётган инсонларни ажал домидан сақлаш мақсадида, кўпдан-кўп кишилар ноҳақ туҳмат, турли гумонлар билан азоб чекаётганликларини, ўша пайтда Ўзбекистон ёшлар қўмитасининг саркотиби бўлган Исроил Ортиқовгина айта олган. Ортиқов Хоразм мисолида воқеаларга баҳо бериб ўтади.

У 1932 йилнинг 23 августида бўлиб ўтган ёшлар анжуманида мардлик билан беайб қатағон қилинаётган одамларни ажал домидан қутқаришга интилади: “Мана сизларга ахлоқ тузатиш уйида бўлиб ўтган бир факт. Бу ерда 15 ёшида 3 йиллик қамоқ жазосига (бу тўғриси дахшат) ҳукм қилинган бир бола ўтирибди. Бу бола ҳозиргача қамалиб ётиб, ёши 17 га етган. 16 ёшдаги бир бола бўлса, от ўғирлаб кетаётган одамни кўрган, лекин ўғрини ушлаш қўлидан келмаган, аммо ўғрини кўрганини сўзлагани учун қамалган. Ёки бир отни миниб айланиб юрганлиги учун, телба бўлиб қолган ўзбек аёлини қамашган. Шифокор бу хотиннинг телбалиги, уни суд қилишга қонун йўл қўймаслиги ҳамда уни тезлик билан озод қилиш зарурлигини кўрсатиб тушунтириш хати берса-да, прокурор уни қабул қилмаган.

Янги Урганч қамоқхонаси бошлиғи, партия аъзоси, “Қизил Меҳнат” нишони билан мукофотланган Матчонов қонунларнинг бузилишига йўл қўйган. Бу киши қамоққа яқин қариндошларини кўриш учун келадиган хотинлар чиройли бўлса, аввал қамоқхона бошлиғи олдига киришни ёзилмаган қонун даражасига чиқарган… Аёлларга шундан кейингина ўз қариндошларини кўришга ижозат берилган.

Ёки, бир камбағал бечора эса заём учун 10 сўм қарздор бўлган, унинг камбағаллиги инобатга олиниб, қарзни тўлаш бир ҳафтага кечиктирилган. Шундай бўлса ҳам шу иш учун бу камбағални аксилинқилобчиликда айблаб суд қилганлар” (Тошкент, ЎЗДАВНАШР, 1936 йил, 17-бет), дея ёшлар анжуманида минбардан туриб жасорат билан нутқ сўзлайди.

Шунингдек, Исроил Ортиқов, маданий турмуш каби сиёсатлар натижасида меҳнаткашларнинг аҳволи оғирлашаётганини, турмуш шароити ортга қараб кетаётганини, айирмачилигу шовинизм авж олиб, ишга қабул қилишда ҳам бунга эътибор қаратилаётганлигини танқид қилиб, дадиллик билан шундай дейди:

“Байналмилал тарбия деймизу, колхозга қозоқларни қабул қилмаслик, ёғ заводи ва бошқаларга улуғ рус давлат шовинизми каби муносабатлар бўлган чиқишларни кўрамиз” деб алоҳида таъкидлаган.

Шу каби ўша даврда авж олган маданий турмуш даражасида яшаяпмиз деган ақиданинг ҳам нотўғрилигини айтади: “Мен бир уй билан танишдим. Мана шундай бир том тагида бўлган қоронғи, зах уйларда бир хонада хотинлар яшайди, иккинчи хонада эркаклар яшайди, булар билан бир қаторда отхона жойлашган. Ушбу одамлар ёнида от, туя, хўкиз. Эшаклар боғланган. Ахлат чуқури ҳам ўша ерда. Ҳамма бинолар лойдан, тупроқдан ишланган бўлиб, ёғочдан ишланган иморатлар бутунлай йўқ” (ўша асар, 27-бет).

Кўрганингиздек, ҳамма ёппасига “ура” деб турган, қатағон авжига чиққан пайтда жамиятни, қолаверса, рус-совет шовинизмини танқид қилиш учун ҳаммадаям журъат, метин ирода топилавермасди. Исроил Ортиқов эса буни минбардан туриб ёшлар анжуманида ҳақиқий аҳволни, совет тузумининг нақадар қирғинбаротли ва жирканч иллатларга тўла эканлигини дадил, баралла айта олган.

Гарчи, ушбу нутқи билан Исроил Ортиқов қатағон “машинаси”ни тўхтатиб қололмаган бўлса-да, ноҳақдан айбланаётган инсонларни ажал домидан қутқаришга интилган, ўз даврининг мудҳиш сиёсатини ҳаққоний танқид қила олган эди. Бу совет-лар-нинг ситамли, хусусан, Сталиннинг қатағон сиёсати авж олган даврда рўй бераётган камчиликларни ҳаққоний, минбардан туриб айтилган ягона ҳодиса деса ҳам бўлади.

Хўш, фидойилик кўрсатган жасоратли Исроил Ортиқовнинг ҳаёти қандай кечган эди?

1907 йил Қўқонда ҳунарманд оиласида туғилган Исроилнинг отаси 1918 йил Қўқон мухторияти дашноқлар томонидан қонга ботирилганда вафот этганди. Онаси эса 1920 йилда ҳаётдан кўз юмади. Шу тариқа тақдир зарбалари боис Исроил темирйўл идорасида ишловчи акаси Аҳмаджон қарамоғида вояга етади. Балоғатга етгач акаси билан темир йўлда ишлай бошлайди.Саводини шу ерда ишловчи ишчилар орқали чиқарди. Русчани ўрганади.

Маълумки,1925-30 йиллар оралиғида Ўзбекистон бўйлаб ёшлар ташкилотининг қад тиклаши ва ўз сафларига шижоатли ёшлар жалб этиш даври бўлган. Ана шу жараёнда қалбидаги бир олам эзгу ҳислар билан Исроил ҳам 1925 йилдан ёшлар ташкилотига аъзо бўлиб кирди, унинг тадбирларида иштирок этди. 1928 йилда унинг ташкилотчилиги эътиборга олиниб, Боғдод тумани ёшлари ўзларига саркотибликка сайланди.1929-30 йилларда эса Қўқон, Олтиариқ тумани ёшлар ташкилотига раҳбарлик қилди. Бу йилларда у давр тўфонлари боис етим қолган ёшларни мактаб, интернатларга жалб қилиш, ёшларнинг саводини чиқариш, ташкил этилаётган колхоз, заводларга ишга жалб этишга уринди. Натижада ёш ташкилотчи И.Ортиқов 1930 йил декабрида Ўзбекистон ёшлар ташкилотининг бўлим мудирлигига, 1931 йил февралидаги 5-қурултойда эса республика ёшларининг саркотиби этиб сайланди.

Республика миқёсидаги бундай катта, масъулиятли ишга 24 ёшли йигитнинг муносиб кўрилганига сабаб, унинг одамлар билан муомаласидаги самимийлиги, ёшларни атрофида уюштира билиши, уларни олға етаклай олиши, ташкилотчилигида эди. Шу тарзда у бевосита жойларда бўлиб вазиятни ўрганиш мақсадида Самарқанд, Фарғона, Наманган, Сурхондарё, Хоразм округларига сафар қилиб, ёшлар орасида бўлди, уларни қийнаётган муаммоларга дуч келди. Муаммоларни бартараф этишга интилиб, округ, республика раҳбарларига мурожаат қилди.

У ўша пайтда қурилаётган Қувасой цемент заводи, Чирчиқ электрохимия комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинати, Қўқон, Бухоро, Самарқанд пахта йигирув фабрикалари, Марғилон шойи тўқиш комбинатларига ёшларни жалб этиш, уларга зарур шароит яратиш учун ўша жойларда бўлди. Саводли, интилувчан ёшларни эса Москва, Петербургга юбориб ўқитишга интилди. Уни ёшлар ва республика, округ раҳбарлари кабинетда ўтирмайдиган раҳбар дея аташар, у эса бундан қувонарди. Афсуски, шундай шижоатли инсоннинг боши устидаям 1937 йилдаги қатағон қуюни айлана бошлади. 1937 йилнинг 14 октябрида ҳибсга олиниб, 1938 йил 5 октябрида “халқ душмани” дея отиб ташланади. Бу пайтда у эндигина 31 ёшга тўлганди…

Умид БЕКМУҲАММАД.

НОНИМИЗ ҲАМ, СЎЗИМИЗ ҲАМ ҲАЛОЛ БЎЛИШИ КЕРАК

1-б.

Ҳа, холислик ва ҳаққонийлик принциплари… Булар журналист учун энг зарур жиҳат. Лекин гоҳида айнан шу муҳим жиҳат касбдошларимизга етишмаётганини кузатиб ранжиймиз. Мана, яқинда “Bugun.uz”, “Effect.uz” нашрларида Фарғона вилояти ҳокимига оид хабар тахминларга, кўчанинг гапига таяниб асоссиз тарзда тарқатилгани муҳокамалар марказида бўлди. Айримлар, “тарқалган хабарларга тегишлича раддия берилди-ку” дейиши мумкин. Албатта, ҳақиқат эгилади, лекин синмайди. Бироқ интернет имконияти шу қадар чексизки, аллақачон мамлакатимиз катта вилоятининг раҳбари ҳақида нохолис хабар қанот қоқиб, дунё бўйлаб тарқалишга улгурди. Адлия вазирлиги ахборот хизмати томонидан шу воқеага оид тарқатилган эслатмада “Кейинчалик раддиялар бериш орқали эса, на дастлабки қонунчиликнинг бузилиш ҳолатини йўққа чиқара олиш мумкин, на келтирилган маънавий зиённинг ўрни қопланади” деб жуда тўғри баён этилган. Бу ҳолатда нафақат, алоҳида шахснинг (айни ҳолатда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоровнинг) шаънига, балки мамлакатда Президентимиз томонидан олиб борилаётган улкан ислоҳотлар сиёсатининг рейтингига путур етказилиши мумкинлигини мазкур нашрлар масъуллари қай даражада англайди? Мана шундай нопрофессионал, ҳуқуқий билимга эга бўлмаганлар шарафли касбимизга доғ туширилишлари алам қилади.

Ҳолбуки, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасида ўрнатилган тартибга кўра, “Оммавий ахборот воситалари орқали фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматини таҳқирлаш, уларнинг шахсий ҳаётига аралашиш тақиқланади”. Юқорида тилга олинган нашрлар айнан шу ва яна қатор қонунларда белгилаб қўйилган ҳуқуқий мезонни қўпол равишда бузганлар.

Қонун талаби эса барчага баробар бўлиши шарт. Ёлғон, текширилмаган ва ҳеч қандай асосга эга бўлмаган бўҳтонларни омма эътиборига ҳавола қилиш, шов-шув изидан қувиш ҳолатлари афсуски камаймаётир. Ҳатто вафот этмаган таниқли инсонларни ўлдига чиқариш, ўз хизмат вазифасини ўтаб турган раҳбарларни “ишдан озод қилинди” қабилида хабарлар тарқатиш каби ҳолатлар матбуот ва журналистик касб этикаси қоидаларига мутлақо хилофдир. Чунки бир нохолис сўз бутун бир жамиятни чалғитиши, адолат ва ҳақиқатга бўлган ИШОНЧдек кучга катта зарар етказиши мумкин.

Қолаверса, журналист ёки ҳар қандай ижтимоий тармоқ фойдаланувчиси ўз ёлғон хабари билан, кимларгадир қилаётган туҳмати билан бир шахсгагина эмас, балки унинг оиласи, яқинлари, ишлайдиган жамоаси, маҳалласи олдида нечоғлик катта маънавий зарар келтиришини ўйлаб кўришармикан?

Наҳотки эълон қилинаётган хабарни аввало, текшириб, суриштириб, унинг рост ёки ёлғон эканлигини аниқлаштириш қонун талаби эканлигини тушуниш қийин бўлса?!

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси сўз ва матбуот эркинлиги юртимизда устувор аҳамиятга молик эканлигини таъкидлаган ҳолда, мамлакатимиздаги ҳар бир ОАВ вакили, ижтимоий тармоқ фойдаланувчиларидан аввало, қонун талабларига амал қилиш, қолаверса, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг 2019 йил IV конференциясида қабул қилинган Ўзбекистон журналистларининг касб этикаси кодекси талабларига қатъий амал қилишга чақиради.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

БУХОРОДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ

Бухоро вилоят Туризм ва спорт бош бошқармасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида вилоятнинг туризм салоҳиятини ривожлантириш соҳасида амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар, жорий йил якунлари ва рўёбга чиқарилаётган лойиҳалар хусусида сўз борди. Оммавий ахборот воситалари ходимлари, мустақил журналистлар иштирок этган тадбирни вилоят ҳокимининг ўринбосари — Туризм ва спорт бош бошқармаси бошлиғи Ботиржон Шаҳриёров олиб борди.

Таъкидландики, жорий йилда вилоятда жами 692 ўринга мўлжалланган 25 та жойлаштириш воситаси шай қилинди. Шунингдек, вилоятда 2 та сайёҳлик фирмаси, 2 та ресторан, 3 та туристик ахборот маркази, 128 та йўл кўрсаткич белгиси, 38 та санитар-гигиена шахобчаси фаолияти йўлга қўйилди. Бу саъй-ҳаракат туфайли вилоятга ташриф буюрган сайёҳлар сони 1 миллион 625 минг нафардан ошди. Бунда маҳаллий сайёҳлар сони 1 миллион 613 минг 338 нафарни ва хорижий сайёҳлар сони 11 минг 749 нафарни ташкил этди. Шунингдек, туризмнинг алоҳида турларини ривожлантириш мақсадида 50 та туристик маршрутни ўз ичига олган манзилли чора-тадбир дастури амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ғиждувон туманининг “Қўрғон” ва “Чорсу” маҳаллаларида, Вобкент туманининг Ширин қишлоғида “Туризм қишлоғи” ва “Туризм маҳалласи” ташкил этилмоқда. Умуман, вилоятдаги 28 та туризм объектида ёндош инфратузилма объектларини барпо этиш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва модернизациялаш бўйича жами 82 миллиард 861,3 миллион сўм қийматдаги манзилли дастур ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, жорий йил якунига қадар вилоятда сайёҳлар ва меҳмонларни жойлаштириш иншоати сонини 451 тага, туристик компаниялар сонини 130 тага етказиш учун борилмоқда. Чунончи, Бухоро шаҳрининг Ислом Каримов кўчасида Гастрономик кўча ташкил этилади. Унда миллий, веган, кошер ва европа ошхонасига хос таомлар тайёрлашга ихтисослашган 40 дан ортиқ ресторан фаолиятини йўлга қўйиш, мастер-класс, театрлашган концерт томошалари намойиши уюштирилади. Бунинг ҳисобидан 300 дан кўпроқ янги иш ўрни яратилади. Мазкур кўчанинг ташкил этилиши асосида вилоят «Bukhara food caravan” фестивали ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Матбуот анжуманида вилоятимиз сайёҳлик индустриясига оид атрофлича маълумотга эга бўлган ОАВ вакиллари ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга батафсил жавоб олдилар.

ЎЖИУ Бухоро вилоят бўлими.

АЪЗОЛИК ГУВОҲНОМАЛАРИ ТОПШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими томонидан вилоятдаги фахрий ва фаол журналистларга эътибор қаратилмоқда. Вилоятдаги ижодкорлар уюшмага аъзо сифатида рўйхатга олинган бўлиб, доимий кўмак бериб ҳам келинмоқда.

Яқинда бир гуруҳ журналистларнинг аъзолик гувоҳномаси ва кўкрак нишонлари Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасидан янгиланган ҳолда берилди. Айни кунларда ушбу гувоҳномалар вилоят бўлими томонидан аъзоларга етказилмоқда. Журналистларимиз вилоятимизнинг турли чеккаларида яшаб, фаолият юритаётганига қарамай аъзолик гувоҳномаларини топшириш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий аҳволидан ҳабар олишмоқда. Тез фурсатда янгиланган гувоҳномалар тўлиғича ўз эгаларига топшириб бўлинади.

ЎЖИУ Сурхондарё вилоят бўлими.

ДИЛДАГИ ГАПЛАР

ЭҲ, АФСУС!

Замон, яшаш шароитларимиз фикрлаш ва дунёқарашимиз ўзгармоқда. Ҳозир илғор ахборот технологиялар асри. Интернет, ижтимоий тармоқлар кун сайин, соат сайин ривожланмоқда. Фикру хаёлимиз шулар билан банд бўлиб қолди, ҳатто тонгдан тунга қадар десак ҳам бўлади. Ижтимоий тармоқлар, турли ўйинлар ва бошқа кўплаб электрон дастурлардан бугун энг кичик ёшдаги болаларимиз ҳам хабардор. Ҳатто ёшига етмаган болага ҳам телефон тутқазсангиз, йиғлаб турган бўлса, йиғидан тўхтайди, дарров овунади...

Баъзан ўйлаб қоламан: “Оқибатсиз, бир-биримизга меҳр-муҳаббатсиз бўлиб кетаётганимизга шу электрон воситалар сабаб бўлмаяптимикан?!”

Вояга етганми, етмаганми, фарқи йўқ, фарзандингизга бирор юмуш айтиб кўринг, қўлидаги шапалоқдек телефонидан бош кўтармай, “ҳозир”, “хўп”дан нарига ўтмайди. Шунда бироз жаҳлингиз чиқади. Қаттиқ гапирмоқчи бўласиз. Лекин “фойдаси бўлармикан?” — деб ўйлайсиз.



Яқинда бир дўстим чиройли муқовали, саҳифаларига ҳаёт ҳикматлари битилган, ажойиб китоб совға қилди. Роса хурсанд бўлдим, ноёб топилма топгандек китоб саҳифаларини варақлай кетдим. Унда келтирилган ҳикматлар, тасвирланган воқеалар куни кеча эмас, ҳозиргина бўлиб ўтгандек ўта таъсирли қилиб ёзилгандики, ҳайратланмасдан, завқланмасдан илож йўқ.

Дастурхон атрофида тўпланган болаларимга дўстим, у совға қилган китоб ҳақида роса гапирдим. Аммо улар мени, ички кечинмаларимни, китоб тўғрисида айтганларимни дилига жойлаб эшитди, деб ўйламайман. Чунки кўриниб турарди, улар дастурхон атрофида ўтирган бўлса-да, хаёллари менинг “доно” гапларимда эмас, телефонларида эди.

Тўғри, ҳозирги ахборотлашган асрда ёшлар орасидан илғор технологияларни яратувчилар, янги лойиҳалар устида изланиш олиб бораётганлар, бадиий адабиётга қизиқиб, шеъру ҳикоялар ёзаётганлар, нуфузли танловларда иштирок этиб, яхши натижаларни қўлга киритаётганлар ҳам бор, албатта.

Лекин беш қўл баровар эмас, улар орасида ҳаётга енгил-елпи қараб, бўлар-бўлмас, мантиқсиз ва савиясиз нарсаларга вақт сарфлаб, умрини ҳавога совураётганлар жуда кўп. Бундай ёшларга китоб ва газета тўғрисида гапирганнинг фойдаси йўқ. Чунки мутолаа қилиш улар учун ёт тушунча.

Назаримда, теран фикрли, ақл-идрокли бўлишида “iPhone”лардан, телефонлардан кўра китобу газеталар муҳимроқ. Ҳозир ўйлаб иш қиладиган, ўйлаб гапирадиган замон. Адашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Эътиборсизлик, боқибеғамлик эртага болаларимизнинг онги шуури бузилишига, турли оқим, ёт ғоялар таъсирига тушиб қолишига сабаб бўлиши мумкин.

Ахир орзу-умидларимиз — бир дунё. Кеч бўлганда дод-вой қилишдан нима наф? Мумкин қадар ҳар бир нарсанинг, iPhone телефонларнинг ҳам, интернет ва ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг ҳам меъёри борлигини, улардан ўринли фойдаланиш лозим эканлигини тинмай, эринмай уқтиришимиз, ўргатишимиз зарур.

Камина асли тоғликман. Электр токини олти ёшга киргунимча кўрмаганман. Уйимизда оддийгина мой чироғимиз бўларди. Баландлатилса, пилиги куйиб, чироқ шишаси қорайиб кетарди. Қораймаслиги учун милтиратиб ёқиб, чироқ шуъласи атрофида ўтириб китоб ўқирдик, катталар газета-журнал ўқирди. Таассуротларимизни бир-биримизга айтиб берардик. Тўғри, ҳозир замон бошқа. Аммо китоб, газета-журнал учун вақт ажратиш мумкин. Хоҳиш бўлса кифоя.

Қайси куни, телефон титкилаб ўтирган ўғлимга анча вақт қараб турдим. Лекин у менга аҳамият бермасди. Бутун вужуди, хаёли телефонида эди.

— Шунинг ичида нима бор? Кеча-кундуз титкилаганинг-титкилаган, бирор фойдаси борми? — деб сўрадим.

— Билмайсиз-да, — деди ўғлим “матоҳи”дан бошини кўтармай. — Бунда кўп нарсалар бор: телеграм, инстаграм, фейсбук, тик-ток... Хуллас, жуда кўп нарса ўрганяпман, дада.

Жаҳлим чиқди. Лекин ўзимни босдим. Сўнг унга ётиғи билан тушунтирдим:

— Сен айтаётган телеграмнинг ҳам, инстаграмму тик-токнинг ҳам нима эканини сенчалик бўлмаса ҳам, мен ҳам сал-пал тушунаман. Барибир, фойдасидан зарари кўп. Чунки...

— Бўлди, дада. Яна шу гапми?

Кўряпсизки, бундай гаплар, танбеҳларимиз болаларимизга асло ёқмаяпти.

Нима қилмоқ керак?

Қандай қилиб болаларимизни телефондан “юлиб” олсак, яна уларни китоб, газета-журнал ўқийдиган даражага қайтарсак бўларкин? Наҳотки, бунинг сира иложи бўлмаса?

Менимча, ҳалиям бунинг имкони бор. Бунинг учун ҳар бир оила, мактабда газета-журнал ўқиладиган миллатга айланишимиз керак!

Аммо минг афсуски, мамлакатимизда 10 мингдан зиёд мактаблар бор, уларда миллионлаб фарзандларимиз ўқийди. Бироқ минг афсуски, ҳозир болалар нашрлари “Тонг юлдузи”, “Ғунча” кабилар уч мингта ҳам чиқмайди. 5 миллионта оиланинг қайси бирига бугун бирор газета ёки журнал боради, буни ҳам биров билмайди. Қолаверса, бу ҳақда “Hurriyat”да ўтган яқин икки йил давомида қанча ёзилди. Лекин қани муносабат, қани бирор натижа?!

Энг ёмони, бу билан ҳеч ким қизиқмайди. Таълим соҳасидагиларнинг топиб олган гапи шу — “Мажбурий обунага қаршимиз”.

Унда мажбурий таълимни ҳам “йиғиштириб” қўя қолайлик?

Эл бошида ишонч билдириб қўйилган туман, вилоят ҳокимларига матбуотнинг аҳамияти ҳақида қанча гапирманг, фойдаси йўқ: аравани қуруқ олиб қочишади.

Очиғи, энди бор нажот Юртбошимиздан.

Давлатимиз раҳбари матбуот ва ОАВларига нечоғлик катта эътибор қаратмоқда. Эшитдик, ҳукуматимиз ҳам ўзи муассис бўлган бир қанча газеталар ва партия нашрларини ривожлантириш учун қўллаб-қувватлабди. Лекин энди бу жараён барча матбуот нашрларига умуммуносабатнинг ўзгариши билан давом эттирилса, кутилган натижа бўлиши мумкин.

Ҳозирча аҳволимиз... Эҳ, афсус!

Ғулом ПРИМОВ, журналист.

АКС САДО

МИЛЛИОНЛАР ЎЙИНИМИ ЁКИ МИЛЛИОНЕРЛАР?

“Hurriyat” газетаси, 2021 йил, 16 июнь 25-сонида эълон қилинган “Ўзбек футболи қачон довруғ қозонади?” сарлавҳали мақолани ўқиб, барчамизнинг дилимиздаги гаплар ёзилганига амин бўлдим. Унда спортда, айниқса, футбол мусобақаларида юксак марраларни эгаллаган дунёга таниқли футбол юлдузларининг ҳаёти, шунингдек, ўзбек футболининг бугунги муаммолари батафсил ёритилган.

Футбол дейишса, “Суюнчи” фильми эсимга тушаверади. Яқин-яқингача ҳам қишлоқ жойларида гуруҳ-гуруҳ бўлиб тенгдошлар мусобақалари, ҳудуддаги ташкилот ходимлари ўртасида ўйинлар йиллнинг тўрт фасли демай ўтказилар, уларга ҳеч қандай ҳомийнинг ёки томошабиннинг кераги ҳам йўқ эди. Ҳозирга келиб ҳамма жойда бўлмаса-да, айрим ерларда бу анъана сақланиб қолган. У ерларда томошабин ҳам етарли, ғолиб гуруҳ учун рағбатлантириш маблағи ҳам иштирокчилар томонидан йиғилади.

Аслида ҳам, энг яхши футболчилар қишлоқда камол топишади. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам келажакда етук футболчи бўлиша олмайди. Сабаби ҳам маълум, миллион-миллион сарфлаб, спорт мактабларига киришолмайди, омадлари келганлари ҳам “пул тикиб”, жамоага қўшилолмаслиги натижасида аро йўлда қолишади. Балки сиз, ўша йигитнинг ҳақиқий иқтидори бўлганда саралаб олинарди-ку дерсиз, аммо мен бу гапга умуман ишонмайман, ишонолмайман. Футбол – пул, даромад дегани. Шунинг учун ҳам биринчи навбатда, пули борлар сафда қолади.

Бундай дейишимга сабаб, бир вақтлар ўзим ҳам футбол мактабига кириши учун ўғлимни имтиҳонларга олиб борганман. Ота-оналар иштирокида югуриш, турникка тортилиш каби синовларда қатнашишди, икки жамоага бўлиниб, тўп ҳам суришди. Ўғлим, ҳайтовур югуришда ҳам, турникка тортилишда ҳам, футболда ҳам энг ижобий натижа кўрсатганди, ўшанда. Тойчоғимнинг натижаларидан кўксим осмон бўлиб ўтирганимда ёнимдаги аёл “Опа, ўғлингиз зўр-ку, гаплашиб қўйдингизми?”, — деб қолди. “Яна ким билан гаплашишим керак, ўғлимнинг кимлигини натижалари кўрсатиб турибди-ку” – деган жавобимни эшитгач эса “Ие, унда киролмайди. Бекор қипсиз, катта ўғлим ҳам шу ерда ўқиган. Ҳозир эса анави – югураётганларнинг охирида келаётган ўғлимни ўқитмоқчиман. Тўғри, сал бўшангроқ, аммо машқ қилаверса эпчил бўлиб кетар. Муҳими гаплашиб қўйилган”, — деб дилимни хира қилди.

Рости ўшанда унга ишонмагандим. Аммо уч кундан сўнг эълонлар доскасига чиқарилган имтиҳон натижаларини кўриб, ўғлим кабиларга нисбатан қилинган адолатсизликларни кўриб ҳафсалам “пир” бўлганди, аччиқлангандим. Қабул комиссияси олдига кирдим, адолат ахтарган бўлдим. Ўшанда бир ёши каттароқ ходим олдимга келиб, четга бошлади-да аста деди. “Опа, учта “қоғоз” беринг, ўғлингиз албатта футбол мактабимизга киради, ҳақиқатан иқтидори бор, тезкорлиги зўр экан” деди. Биласизми, лом-мим дея олмай қолдим. Очиқдан-очиқ савдони кўриб, ўғлимнинг ҳужжатларини қайтариб олдим. Бунинг яна бир сабаби, спорт ўқитувчисининг “Ўғлингиз ўқишга кирганидан кейин ҳам йилига, керак бўлса кунига пул сарфлашингиз керак. Бўлмаса, командага ҳам киритилмайди”, — деганди...

Терма жамоамизнинг жаҳон чемпионатига ҳали-бери чиқмаслиги тайин, сабабини ҳам ҳамма билади. Бизнинг қишлоғимиздаги каби неча ўнлаб, юзлаб энг иқтидорли йигитлар футбол мактабида ўқиш бахтидан мосуво бўлди, амаллаб кирганлари ҳам юқоридаги сабаблар билан футболдан кўнгиллари совиди. Бунинг ҳосилини эса бугун йиғиб олмоқдамиз.

Мана бизнинг футболга бўлган муносабат, футболнинг келажаги. Тўғрироғи, футболга бизда “катта даромад манбаи” дебгина қарашади. Яъниким, аввал сарфласанггина... ҳосилини оласан. Коррупция ботқоғига ботган спортнинг бу туридан нега жаҳон чемпионатига чиқишимизга умидвор бўлаётганимизни ўзимиз ҳам тушунмаймиз?!

Яқинда Наманган туманидаги Олахамак қишлоғидан бўлган бир танишим аввал иқтисодиёт коллежи бўлган, ҳозирда “Моно марказ”га айлантирилган ташкилот стадионини ўз меҳнатлари билан 10 йилдан бери қараб, турнирлар ўтказиб келишаётганини, бугун эса харидорлари кўпайиб, “парник” учун, қандайдир “тадбиркорлик учун” бериб юборилаётганидан хавотирда эканини айтди ва шуни матбуотда ёритсак фойдаси бўладими” деб қўнғироқ қилди. Туманда олахамакликларни “футбол шайдолари, тўғрироғи жиннилари” дейишади маҳаллий тилда. Турнирлар, баҳсларнинг кети узилмайди. Ҳақиқий фанатлару, ўйинчилар бор. Қишлоқ аҳлининг футбол мактабларига киролмаган йигитлари ўша ерда алам билан тўп суришади, чиниқишади. Вилоят бўйича ҳам мусобақаларда қатнашиб, кўп марта совринларни қўлга киритган, бу жамоа. Ҳам жисмоний меҳнат, ҳам майдонда чиниқаётган йигитларнинг ҳечқурса “қишлоқ майдонида ушалаётган орзулари”га ҳам бугун эга чиқиб турибди. Ўйинчилару, ишқибозлар хавотирда... Қаерга борамиз?

Юртимизда тадбиркорликка кенг йўл берилгани ҳаммамизга маълум. Бироқ гуркираб турган, қишлоқ аҳли эҳтиёжини қондираётган соҳани “синдириш, йўқ қилиш” эвазига эмас-да... Улар бор-йўғи ўзлари меҳнат қилиб тайёрлаган майдонни асраб қолишмоқчи, бўш вақтларини эса шу ерда қизғин футбол ўйинлари билан ўтказишади. Юқоридан, тадбиркорлардан ҳеч нима сўрашмайди, ўзларига меҳнат ҳамда шуғулланишлари учун майдонларига дахл қилмасалар бўлгани...

Дарвоқе, ишонмасангиз боринг, ҳақиқий “талантлар” ўша майдонда...

Саида ИСМОИЛОВА, журналист.

МУТОЛАА

“Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам...”

ёхуд Абдулла Орипов ижодининг фалсафий талқини

1321 йил, 1441 йил, 1941 йил ва 2021 йил. Бу саналар нимани англатади? Уларнинг бир-бирига қандай боғлиқлиги бор?

1321 йилда – жаҳон адабиёти намояндаси, буюк шоир ва олим, сиёсатчи ҳамда файласуф, Италия адабий тилининг асосчиси Данте АЛИГЬЕРИ “Илоҳий комедия” достонини ёзиб тугатган.

1441 йилда – улуғ шоир ва мутафаккир аждодимиз, ўзбек адабий тилининг асосчиси Алишер НАВОИЙ ҳазратлари таваллуд топган.

1941 йилда – Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳиясининг муаллифи Абдулла ОРИПОВ туғилган.

2021 йилда – “Илоҳий комедия” достонининг 700 йиллиги, Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги ва Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланмоқда...



Модомики, Абдулла ака, бир томондан, Навоий ҳазратларидан сўнг ўзбек шериятидаги энг машҳур ва марғуб шоир сифатида эътироф этилгани, иккинчи томондан, севимли шоиримиз “Илоҳий комедия” достонининг таржимони экани назарда тутилар экан, ушбу саналар ўртасидаги узвий боғлиқлик янада ойдинлашади.

Содда қилиб айтганда, жорий йилда Алишер Навоий бобомизнинг 580 йиллиги билан “Илоҳий комедия” достонининг 700 йиллиги байрамлари чорраҳасида Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланаётгани шунчаки тасодифдан кўра, илоҳий қонуниятга кўпроқ ўхшайди, назаримизда.

Таниқли адабиётшунос олимлар **Илҳом Ғаниев** ва **Нодира Афоқова**нинг 2021 йилда “Muharrir” нашриёти томонидан чоп этилган “Абдулла Ориф фалсафаси” китобини мутолаа қилиш асносида, бу фикр бежиз эмаслигига яна бир бор амин бўлдик. Бинобарин, Устоз шоиримиз руҳи покларига бағишланган ушбу адабий-илмий асарда муаллифлар ўзларининг қарийб ўттиз йиллик тадқиқотлари натижаларини жамлабдилар.

Бу йил Абдулла Ориповнинг қутлуғ тўйи баҳона бўлиб, турли нашриётлар томонидан шоир асарларидан намуналар, унинг ҳаёти ва ижодига доир бир қанча янги китоблар чоп этилди. Ўз навбатида, И.Ғаниев ва Н.Афоқованинг ушбу китоби шоир ижодини ичдан нурлантириб, элга манзур қилиб турган қирралар, бадиий сўз қудрати, миллий ҳис-туйғулар ва умумбашарий ғоялар, жайдари фалсафалар, серқатлам маънолар, метафорик образлар инсон тақдири, давр, илоҳий таълимотлар билан уйғунликда таҳлил ва талқин этилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Аввало, муаллифларнинг ўзлари таҳлил ва талқин этган ҳар битта муҳим воқеа-ҳодисага берган таърифлари қисқалиги, аниқлиги ва ниҳоятда таъсирчан мазмунга эгалиги билан эътиборимизни тортди. Муаллифлар қайд этишларича, “ижод – бу кашфиёт, яратиш завқи, ўз-ўзини англаш, намойиш қила билиш, ўз ҳақиқатига ўзгаларни ишонтириш ва эргаштириш, бутун бир муҳитни ўзгартиришга интилиш қудрати, илоҳий илм ва зеҳн, олам ва одамни ичдан чуқур билиш санъати ҳамда масъулияти. Абдулла Ориповнинг ўз таъбири билан айтганда, эҳтиёж фарзанди”.

Китобда бундай мағзи тўқ жумлалар жуда кўп. Шулардан айримларини келтирамиз:

- “ижодкор – аслида уйғоқ фикрли доно шахс, келажакни кўра олувчи мунаввар сиймо”;
- “ижод – халқни огоҳликка чорлов, комил ахлоқли бўлишга даъват, ҳаётда қайси томонда турса, саодатманд бўлишини кўрсатувчи соғлом фикр, ғоя, эътиқоддир”;
- “адабиётнинг вазифаси – инсоншунослик, инсонни ўрганиш”;
- “инсон – энг юксак мақом, рутба билан шарафланган зот”;
- “шеър – оний кайфият сурати”;
- “шеър – руҳнинг сурати”;
- “шоир – санъаткор”;
- “Абдулла Орипов – туркий сўз санъаткори, ўзбек шериятининг йўлчи юлдузи”;
- “Абдулла Орипов ижоди – адабий синтезнинг гўзал намунаси”;
- “Абдулла Орипов – миллий анъана ва жаҳон адабиёти бадиий тафаккурини ўзида уйғунлаштирган сўз санъаткори”.

Бир ўринда ҳатто шоир “шериятимизнинг симфоник оркестри” дея ғаройиб, айни чоғда, мантиқан жуда асосли тавсифланган. Китоб муаллифларининг эътироф этишича, “Абдулла Орипов ижодида ҳар бир сўз узукка қўйилган кўздек нурланиб, мазмун билан уйғунлик ҳосил қилади. Ҳар бир шеър бир симфония, унинг ўз нотаси бор”.

Яна бир ўринда Абдулла Орипов ижодига берилган қуйидаги яна бир таъриф диққатимизни жалб этди: “Шоир ижодининг асосида худодод истеъдод, букилмас метин ирода ва жасорат, эътиқод, эрк ва озодликка қатъий интилиш ва кураш, миллатпарварлик ва бағрикенглик туради. Буларнинг барчасини ҳаракатга келтиргувчи куч эса руҳий-маънавий эҳтиёж саналмиш адолат ва ҳақиқатга ташналик, муҳаббатга садоқат, собит эътиқод ҳамда яхшиликни улуғлашдир”.

Бундай теран фалсафа билан суғорилган юксак баҳо ва хулосалар шунчаки, ўз-ўзидан туғилиб қолмайди. Бинобарин, “Абдулла Ориф фалсафаси” китоби муаллифлари улуғ шоир ижодини узоқ вақт мобайнида ва чуқур илмий-назарий асосда ўрганиб келаётганларининг яққол далолатидир бу.

Ҳақиқатан ҳам, таниқли олимлар И.Ғаниев ва Н.Афоқова 1984 йилдан буён мутафаккир шоиримизнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлиб келган. Жумладан, Нодира Афоқова 1995 йилда шоир ижоди бўйича диссертация ёқлади ва ўша йили унинг бир йўла иккита китоби — **“Абдулла Орипов лирикасида бадиий санъатлар”** ва **“Шеър, ҳадис, ҳикмат”** асарлари нашр этилди. Сўнгра, 2006 йили олиманинг турмуш ўртоғи Илҳом Ғаниев билан ҳамкорликдаги тадқиқотлари маҳсули бўлмиш **“Озод руҳ фалсафаси”** китоби дунё юзини кўрган.

Шу маънода, муаллифлар Абдулла Орипов ижодининг турфа йўналишлари — шеърият, таржима, адабий танқид, публицистика, жамоатчилик фаолиятига теран назар солган ҳолда, шоирнинг дунёвий ва илоҳий фанлардан ҳам, инсоният тарихидан ҳам, жаҳоннинг кўплаб халқлари адабиётидан ҳам чуқур бохабарлигини кўра билганлари ҳар томонлама асослидир. И.Ғаниев ва Н.Афоқованинг Абдулла Орипов ижодига бағишланган янги китобига хос бир қатор жуда муҳим ва бетакрор хусусиятлар бу фикримизни тасдиқлайди.

Биринчидан – китобда Абдулла Ориф фалсафаси, муаллифлар ибораси билан айтганда, **“Орифона фалсафа”** ишончли негизларда ёрқин очиб берилган. Зеро, **“шоирнинг ҳар бир шеърида поэтик умумлашма — шарқона донишмандлик, ҳикматнавислик, панднома, жайдари фалсафа мавжуд”.**

Алишер Навоий ҳазратлари Инсонга таъриф берар экан, **“Ҳақ сирри зотида пинҳон”** деб қайд этгани бежиз эмас. Ўз навбатида, Абдулла Орипов Инсоннинг моҳиятини мухтасар шундай ифодалаган:

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
Ҳатто у тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукаммал.

Муаллифлар таъбири билан айтганда, Абдулла Орипов ижодида инсон образининг тадрижини текшириш шоирнинг нафақат бадиий-фалсафий қарашлари, балки қалбида кечган ижодий эврилишлар кардиограммасини аниқлаштириш имконини беради. Энг муҳими, Абдулла Орипов шеърларининг махзанида сўз сеҳри ва қудратига чексиз ишонч ўз мужассамини топган.

Шоир наздида самимий, чин ва адолатли сўз дунёни ўзгартиришга, кулфатларга қалқон бўлиш ва маданий оламни бирлаштиришга қодир. Абдулла аканинг шеърий мисраларида безовта қалб изтироби, исён ва ўтли нафаси, тўлиб турган миллат дарди, келажакнинг гоҳ аччиқ соғинчи зуҳур этиб турганини кўрамиз. Бинобарин, мавлоно **Жалолиддин Румий** лутф этганларидек, **“сўзда руҳ бор”**.

Иккинчидан — китобда Абдулла Орипов ижодида устувор аҳамият касб этган борлиқ ва унинг Яратувчиси, табиат ва инсон муносабатлари, умрнинг мазмуни, оламнинг сири, замон ва макон, Вақт, ақл ва идрокнинг дунё ва одамнинг моҳиятини англаш жараёнидаги ўрни, ҳар бир воқеликнинг сабаб ва оқибати каби муаммолар қизиқарли, мантиқий тугал ва илмий асосланган тарзда таҳлил этилган. Таҳлил хулосаси шуки, шоир шеърларида тафаккур ва ҳукм-мулоҳаза ўртасида ўзаро муносабат, узвий боғланиш бор.

Учинчидан — китоб муаллифлари даҳо ижодкорнинг халққа бўлган муносабати, яъни халқпарварлиги ва миллатсеварлигини ўзига хос соҳир бир маҳорат билан талқин этган. Уларнинг фикрича, **“Абдулла Ориповнинг битганлари шунчаки байтлар ёки байтлар мажмуи эмас. У ўз асарларида изчил равишда халқнинг қудратли тимсолини ярата олди. Бу тимсолда Фитрат изтиробларининг зардоби, Чўлпон ишончининг тадрижи, Ойбекнинг жимжит ўкинчлари, Ғафур Ғулом ифтихорининг гулдуслари, Миртемирнинг майин лиризми, Шайхзода тафаккурининг даҳоси муболағасиз мужассамлашгандир”.**

Абдулла Ориповнинг муҳаббат, ҳижрон, она, баҳор ҳақидаги шеърларидан тортиб, ўз даврида руҳий тутқунлик — эрксизликка қарши миллий бирлик, курашга чорлаган исёнкорлик руҳидаги шеърларигача, яъни халқимиз кўпини ёд биладиган ана шу нодир назм жавоҳирларини И.Ғаниев ва Н.Афоқова “халқнома” деган ибора билан ифодалар экан, ушбу шеърларда жуда муҳим, такрор-такрор тилга олинган алоҳида бир мавзу ҳам борлигига эътибор қаратган.

Бу – бирлик мавзусидир. Хусусан, Мустақилликнинг бир йиллиги нишонланган кунларда ёзилган “Туркистон болаларига” ёки 1994 йили битилган “Халқ” шеъри, умуман, шоирнинг бутун ижоди моҳиятига, мағзига буюк бирлик соғинчи, муаззам истиқбол орзуси сингдирилгани ҳар қанча тахсинга муносибдир.

Тўртинчидан — китобда шоирнинг қалби ўз Ватанига чексиз меҳр-муҳаббат ва садоқат, ғурур-ифтихор ва шаън-шавкат туйғуларига тўлалиги ҳақида жуда мантиқий фикр-мулоҳазалар, илмий асосга эга аниқ хулосалар қайд этилган. Буни, айниқса, Абдулла Орипов Ўзбекистон табиатининг такрорланмас гўзалликлари мусаввири эканига доир етук илмий-бадиий талқинлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Бешинчидан — китоб муаллифлари Абдулла Орипов ижодининг мағзи-мағзида табиий бир маҳзунлик, мунг борлигини наинки илғай билган, айни чоғда ана шу ҳолат, биринчидан, дунёни драматик идрок этишдан келиб чиқса, иккинчидан, реал ҳаётнинг шоир шахси, ижодига таъсири, муносабатларнинг сўзга кўчган суврати эканини юксак илмий-бадиий асосда нафис шарҳлаб ҳам берган.

Муаллифларнинг фикрича, **“Ижод аслида шахс ва жамият ўртасидаги қандайдир бир мувозанатнинг бузилиши, тўқнашув, зиддият, ҳақсизлик ва қарашлар манфаати ўртасидаги қарама-қаршиликдан туғилади. Шу жараёнда истеъдод, илҳом ва ғоя, миллий анъана ва жаҳоний тафаккур синтезлашади”.**

Олтинчидан — китобдаги “Кўҳна торнинг янги наволари” фасли бизни Абдулла Ориповнинг аруз вазнидаги ижоди тарихи ва мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиради. Шоир аруздаги биринчи шеърини 24 ёшида, яъни 1965 йилда ёзган. “Этгали” радифли ушбу ғазал анъанавий ишқий мавзуда битилган. Шу тариқа “Бу кун”, “Кетмоқдаман”, “Аён бўлгай” каби орифона ғазаллар силсиласи ишқ мавзусидаги роман боблари сингари бир-бирини тўлдириб борган.

Еттинчидан — муаллифлар Абдулла Орипов шериятида шундай фавқулодда, жавоҳирдай порлаб турган мисра ва байтларни ҳассос бир синчковлик билан таннум этганлар. Хусусан, “Қизғалдоқ баргидек учар дилдан ғам...”, “Ялпоқлар учида ой нури зарҳал...”, “Ҳали лаб тегмаган кулгулар олдда...” каби турли шеърлардан олинган сара мисраларни, ҳеч муболағасиз, шоҳ сатрлар дейиш мумкин.

Саккизинчидан — китобда Абдулла Ориповнинг “Ҳаж дафтари” ва “Ҳикмат садолари” туркумларига киритилган шеърлари илк бор атрофлича ва чуқур таҳлилга тортилган. Бунда муаллифлар, авваламбор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Имом Яҳё бин шараф ан-Нававий каби Шарқ мумтоз шеърияти намояндаларининг қирқта ҳадис асосида яратилган “Арбаин ҳадис” йўналишидаги асарларига мурожаат қилганлари бежиз эмас.

Чунки бу йўналишдаги назмий мажмуалар Муҳаммад пайғамбаримизнинг (с.а.в.) *“Кимки умматларимга дин хусусидаги қирқ ҳадисни етказса, Тангри таоло уни қиёмат куни фақҳ (ҳуқуқ) билимдонлари, олимлар тўдасига қўшади”*, деган ҳадиси асосида ёзилгандир. Одатда, ислом дини асослари ва қоидалари (“Усул уд-Дин”), Ислом ёхуд Аллоҳ йўлидаги муқаддас кураш (“Жиҳод”), тоат-ибодат ёки одоб-ахлоқ қоидаларини тарғиб қилишга қаратилган бундай асарларнинг барчасида қирқтадан ҳадиснинг шарҳи берилган бўлади.

Олимлар И.Ғаниев ва Н.Афоқова томонидан **“Арбаин ҳадис”** йўналишидаги анъанавий асарлар билан Абдулла Ориповнинг айни мавзудаги шеърларини қиёсий таҳлил этилгани диққатга моликдир. Натижада муаллифлар қуйидаги муҳим хулосаларни илгари сурган:

- Абдулла Ориповнинг “Ҳикмат садолари” туркуми XX асрнинг сўнгги чорагида ўзбек адабиётида бу борадаги анъанани давом эттириш йўлидаги илк уринишдир;
- шоир ушбу асарида қирқта эмас, балки элликта ҳадисга шеърий шарҳлар битган;
- шоирнинг эътирофига кўра, Каъбатуллоҳ – Оллоҳнинг уйи ёнида туғилган ушбу ўн икки сатрлик шеърлар ҳадисларнинг шунчаки қуруқ шарҳи ёки шеърий баёни эмас, балки жонли ижод жараёнида юзага келган мустақил бадиий асарлар ҳамдир;
- “Арбаин” туркумидаги бошқа асарларда аввал ҳадиснинг арабчаси, сўнг форсча ёки туркий таржимаси келтирилиб, шундан кейин назмий ё насрий шарҳ берилса, Абдулла Орипов асарида ҳадиснинг асл шакли келтирилмай, бевосита шеърнинг ўзи берилаверади. Бу ҳам шоирнинг илоҳий илҳом билан мазкур туркумни яратганидан далолат;
- Анъанавий “Арбаин” асарларида битта ҳадисга бир шеърий шарҳ бағишланса, Абдулла Орипов назмий туркумидаги шеърларга — бир нечта ҳадис, масалан, “Риоя” шеърига бир йўла саккизта ҳадис мазмуни сингдирилганини кузатиш мумкин;
- Абдулла Орипов қаламига мансуб “Ҳикмат садолари” туркумининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, туркумдаги шеърларнинг айримлари бирор кичик воқеани баён қилса, бошқа бирлари шоирнинг ҳадис мазмунини акс эттирган ҳис-туйғулари ва фикрларидан иборат. Алишер Навоийнинг “Арбаин” асарида эса воқеабанд шеърлар деярли учрамайди;
- Алишер Навоийнинг “Арбаин” асаридаги шеърлар асосан тўртлик – рубоий вазнида бўлса, Абдулла Орипов туркумидаги 49 та шеърнинг 48 таси — ўн иккилик ва биттаси тўртлик шаклидаги шеър ҳисобланади.

Бу хулосаларнинг барчаси, ўз навбатида, Абдулла Ориповнинг “Ҳикмат садолари” туркуми, бир томондан, Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадислари шарҳларига асосланган, узоқ тарихга эга мумтоз анъананинг давоми эканини англатади.

Бадиий асарнинг умрбоқийлиги эса шубҳасиз уни ўқиган ҳар бир ўқувчи ўзгача бир туйғу, янгича бир маъноларни кашф қилиб бориши билан белгиланади. Бинобарин, улуғ рус ёзувчиси **Лев Толстой** ёзганидек, **“Ҳар қандай асар фақат у ҳаётнинг янги томонини очиб бергсагина санъат асаридир”.**

Китобнинг 243-247-бетларида илова сифатида берилган жадвал алоҳида диққатимизни тортди. Унда Абдулла Орипов шеърларида қўлланган истиора, муболаға, талмиҳ, тамсил, тажнис, ташбиҳ, таносиб, тазод, тазмин сингари 53 та бадиий санъат номлари саналган ва уларнинг ҳар бирига шоир шеърларидан мисоллар келтирилган.

Яна бир эътиборли жиҳати шуки, шоирнинг шеърларидаги афоризмлар, яъни ҳикматли сўзлар ҳам бадиий санъат сифатида талқин этилган. Муаллифларнинг фикрича, Абдулла Орипов афоризмларига хос хусусиятлардан бири – уларда, халқ мақолларидан фарқли ўлароқ, инверсия кучлилигидир.

Бу айни ҳикматлар шеърнинг таркибий қисми экани билан изоҳланади. Шоир: **“Бир ҳовуч кул эмиш оташ қисмати”**, деб ёзади. Грамматика қоидасига кўра: “Оташнинг қисмати бир ҳовуч кул эмиш”, тарзида бўлиши керак. Бундай инверсия прогрессив моҳиятга эга бўлиб, афоризмнинг шеърхонга кучли маънавий-ҳиссий таъсир ўтказиши ва тез ёдда қолишини таъминлайди.

Дарвоқе, алоҳида таъкидлаш жоизки, китобнинг сўнгги саҳифаларидан Абдулла Орипов ўз ижоди давомида энг кўп қўллаган сўзлар жадвали жой олган.

Ушбу мўъжаз тадқиқот ҳосиласи билан танишиш асосида **Абдулла Орипов “Сўз” сўзини энг кўп – 2 минг 430 марта қўллаганини кўриш мумкин. Шунингдек, “халқ” сўзи – 1 минг 619 марта, “йўл” – 1 минг 607 марта, “жон” – 1 минг 311 марта, “Ватан” – 1 минг 152 марта қўлланилган.**

Биз Абдулла Орифн шеърларида энг кўп учрашини шу вақтга қадар тахмин қилиб келган “изтироб” сўзи – атиги 119 марта ишлатилган экан. Бундан ташқари, “ҳасад” – 125 марта, “алам” – 427 марта, “ғам” – 531 марта истифода этилган. Бошқача айтганда, Абдулла Ориповнинг шеърлари моҳиятан қанчалик некбин ва ҳаётбахш эканини ҳам ушбу мухтасар жадвал мисолида билиб олиш мумкин.

Шундай қилиб, Абдулла Ориповга замондош бўлган улуғ ижодкор — Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири **Эркин Воҳидов таъкидлаганидек, “Шеъриятнинг буюк қудрати унинг ишонтириш кучидадир. Биз ҳар бир шеър ортида унинг эгасини кўрамиз, унинг маънавий оламини тасаввур этамиз, ўша шеър ортида турган одам ўзининг самимияти билан, ҳалоллиги билан бизни ўз туйғуларининг чинлигига ишонтирмоғи керак”.**

Абдулла акадан ана шундай улуғвор, ишончли ва қудратли ижод маҳсуллари халқимизга, бутун инсониятга маънавий мерос бўлиб қолди. Илҳом Ғаниев ва Нодира Афоқованинг “Абдулла Ориф фалсафаси” китоби – ана шу бой ва инжа меросни ўрганиш йўлидаги муҳим залворли қадам, таъбир жоиз бўлса, “махзанида сўз сеҳри ва қудратига чексиз ишонч ўз мужассамини топган” шоир ижодининг серқирра, қомусий талқинидир.

Акмал САИДОВ,
академик.

ХОРИЖДА

ПАНДЕМИЯ ОҚИБАТЛАРИНИ ТИКЛАШ УЧУН 650 МИЛЛИАРД ДОЛЛАР АЖРАТИЛАДИ

Халқаро Валюта жамғармаси (ХВЖ) ижтимоий тармоқларда кенг тарқалган баёнотида пандемия оқибатидан зарар кўрган жаҳон иқтисодиётини тиклашга ёрдам бериш учун ташкилотнинг 650 миллиард долларлик қўшимча захира активлари ажратилишини маълум қилди.

“2021 йил 2 августда ХВЖ Ижроия кенгаши қарз олиш бўйича махсус ҳуқуқларнинг умумий тақсимланишини тасдиқлади (ХВЖнинг ҳисоб бирлиги бўлган SDR нақд бўлмаган шаклга эга ва унинг қиймати ҳар куни асосий валюталарнинг бозор курсларига қараб белгиланади). 650 миллиард долларга тенг (тахминан 456 миллиард SDR), дунёдаги ликвидлик ресурсларини тўлдириш учун”, – дейилади ҳужжатда. “Бу тарихий қарор – ХВЖ тарихидаги энг йирик SDR ажратиш ва мисли кўрилмаган инқироз даврида глобал иқтисодиётни рағбатлантириш”, – дейди жамғарма бошқарувчи директори Кристалина Георгиева.

Жамғарма раҳбарининг таъкидлашича, қарор шу йил 23 августдан кучга киради. Маблағлар аъзо мамлакатларга квоталарга мутаносиб равишда ўтказилади. Шу билан бирга, тахминан 275 миллиард доллар “бозор иқтисодиётини ривожлантираётган ва ривожланаётган мамлакатларга, шу жумладан, кам даромадга эга мамлакатларга” берилади.

ЭМЛАШ ПАСПОРТЛАРИ ТАЛАБ ҚИЛИНМОҚДА

Дунёнинг бир қатор давлатлари коронавирусга қарши эмлашни қисман мажбурлаш чораларини кўрмоқда, деб хабар беради Kazinform.uz.

Масалан, Италияда оммавий тадбирларда фақат коронавирусга қарши эмланган одамлар қатнашиши мумкин. 6 августдан фақат эмлаш жараёнини якунлаган италияликлар оммавий тадбирлар, стадионлар, музейлар, театрлар, кинотеатрлар, сузиш ҳавзалари, спорт заллари, бар ва ресторанларга кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Бар ва ресторанларнинг очиқ терассаларига кириш учун эмлаш паспортлари талаб қилинмайди.

20 августдан бошлаб Бирлашган Араб Амирликларида эмланмаган фуқароларга давлат ва хусусий мактаблар, университетлар, болалар боғчалари, савдо марказлари, ресторанлар, кафелар, спорт заллари, музейлар, дам олиш масканлари ва бошқа савдо шоҳобчаларига кириш тақиқланади.

АҚШда иш билан таъминлашнинг тенг имкониятлари бўйича комиссияси қарорига кўра иш берувчилар ўз ходимларини фуқароларнинг илтимосига биноан COVID-19 вакцинасини олишга мажбур қилишлари мумкин. Ходимлар фақат ногиронлик ёки диний эътиқод асосидагина вакцина олишни рад этиш ваколатига эга.

Февраль ойида Индонезия вакцинани истамаганлар учун жарима ва ижтимоий ёрдамни рад этиш тизимини жорий қилди. Жарима бой давлатларникидек катта. Жакартада эмланишни истамаганларга 5 миллион рупий (350 доллар) миқдорида жарима солинган.

Хитойда давлат миқёсида эмлаш ихтиёрий бўлиб қолмоқда, аммо маҳаллий ҳокимият идоралари босим кўрсатмоқда: Хайнань провинцияси маъмурияти вакцинага қарши чиққанларни қора рўйхатга киритишга ва уларни давлат имтиёзларидан, жамоат транспортидан фойдаланиш ҳуқуқидан маҳрум қилишга ваъда берди.

ҚИРҒИЗИСТОННИНГ СОБИҚ БОШ ВАЗИРИ “ҚУМТОР” ИШИ БЎЙИЧА ҲИБСГА ОЛИНДИ

Қирғизистоннинг собиқ бош вазири Темир Сариев республикада “Қумтор” олтин конидаги коррупцияга аралашганликда гумонланиб, ҳибсга олинган. Бу ҳақда Қирғизистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитаси матбуот хизматига таяниб, “24.kg” хабар берди.

Тергов шуни кўрсатдики, у иқтисодиёт вазири ва айни пайтда тегишли давлат комиссияси раиси бўлиб, Қумтор конининг ишидан атроф-муҳитга етказилган зарар миқдорини бир неча миллиард сомга камайтириб кўрсатган, натижада давлат катта зарар кўрган.

Маълумот учун, Қирғизистоннинг анча йиллардан буён қидирувда бўлган собиқ президенти Асқар Акаев 2 август куни ўз хоҳишига кўра Бишкекка келганди. Собиқ президент “Қумтор” лойиҳасини амалга ошириш жараёнида йўл қўйилган коррупция фактлари бўйича қўзғатилган жиноят ишини тергов қилиш доирасида мамлакатнинг идоралараро тергов гуруҳи томонидан қидирувга берилганди.

Интернет хабарлари асосида А.АҲМЕДОВ тайёрлади.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ АМАЛИЁТ ШАКЛЛАНМОҚДА

Куни кеча АТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Банк сармоялари – бизнес ривожига” мавзусида матбуот анжумани ўтказилди. Унда банк Бошқаруви раҳбарияти ва тегишли таркибий тузилмалар масъул ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирда иштирокчиларга кичик бизнес ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш бўйича йўналтирилаётган банк сармоялари ва уларнинг амалий самаралари ҳақида ахборот берилди.

Қайд этилдики, 2021 йилнинг I-ярим йиллиги якунлари ҳолатига кўра, АТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг даромад режаси 108 фоизга бажарилди, 103,6 млрд. сўм соф фойда олишга эришилди, банкнинг соф активлари йил бошига нисбатан 10,2 фоизга ошиб 17 555 млрд. сўмга етди.

2021 йилнинг 6 ойи давомида кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилган кредитлар ўтган йил шу даврига нисбатан 872,5 млрд. сўмга ортиб, 2021 йил 1 июль ҳолатига 1 821,1 млрд. сўмни ташкил этди, шундан 755,0 млрд. сўми айланма маблағлар билан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлса, 1 066,1 млрд. сўми инвестиция лойиҳаларига йўналтирилди. Хусусан, аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 80,5 млрд. сўмни ташкил этиб, ушбу кўрсаткич ўтган йил шу даврга нисбатан 1,3 баробарга ошди.

Айни кунда банкда амалга оширилаётган трансформация ислоҳотларининг асосий йўналишларидан бири кредитлаш жараёнларини янада соддалаштириш ва қарор қабул қилиш босқичларини қисқартириш, кредит ҳужжатларини кўриб чиқиш ва мижозни кредитлаш имкониятини таҳлил қилишда андеррайтинг тизими орқали автоматлаштириш, ҳудудларда мижозларга кредит хизматлари кўрсатиш фронт офислари фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш, кўп йиллик мижозларни модуллаштирилган кредитлаш тизими орқали тез ва қулай шартларда онлайн кредитлаш бўйича ишларни 2021 йил 2-ярим йиллигида тўлиқ амалга ошириш кўзда тутилди.

Банк ахборот хизмати.

Реклама ҳуқуқи асосида

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси уюшма аъзоси, “Гулистон”, “Театр” ва “Мозийдан садо” журналлари бирлашган таҳририяти бўлим мудири Ў. Мирзаёровга акаси

Икромжон ХАЙРУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МЕНИНГ МИЛИЦИЯММИ, ЁКИ...

1-б.

Ўша хабарда шундай дейилади: “Сурхондарёда профилактика инспектори ёрдамчилари фуқарони уриб, унинг ўлимига сабабчи бўлди. Сурхондарё вилояти Денов туманида икки нафар ИИО ФМБ профилактика инспектори ёрдамчилари фуқарони бир неча бор уриб, тан жароҳати етказган. Оқибатда фуқаро шифохонада вафот этган. Ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, икки нафар шахсга нисбатан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилган”.

Юқоридаги хабарни ўқиб: “Менинг милициямга нима қилдийкин, наҳотки, одамкуш бўлиб қолган бўлса”, дея хавотир олиб, сайтнинг давомини ўқий бошладим. Уларда яна шундай хабарлар: “Қашқадарёда профилактика инспектори олиб кетган фуқаро вафот этди. Унинг яқинлари ИИБ ходимларини куч ишлатишда айбламоқда. Қашқадарё вилояти Нишон туманида ИИБ ходимлари томонидан олиб кетилган фуқаро наркология диспансерида вафот этди. Марҳумнинг яқинлари ИИБ ходимлари уни уриб, куч ишлатганларини гумон қилишмоқда. Ҳолат юзасидан Қарши туман прокуратураси томонидан терговга қадар текширув ҳаракатлари олиб борилмоқда. Соғлиқни сақлаш ва Ички ишлар бошқармаларига хизмат текшириви тайинланган”.

“Газета uz”да чоп этилган яна бир кичик хабар: “Тахиатош (Қорақалпоғистон-таҳр.) ИИБга олиб кетилган фуқаронинг ўлими юзасидан изоҳ берилди. Қорақалпоғистоннинг Тахиатош туманида маст ҳолда ИИБга олиб кетилган фуқаро вафот этди. Фуқаронинг яқинлари унинг ўлимида профилактика инспекторини айбламоқда. Ҳозирда ИИБ ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан хизмат текшириви олиб борилмоқда.

Элдан бурун милиция билан боғлиқ десак, нотўғри бўлар, аммо ўлимларида милиция инспекторлари айбдор дейилаётган юқоридаги учта воқеа сўнгги кунлар давомида содир бўлган. Бунга ўхшаш ҳодисалар ҳақида эса мамлакатимизда бир неча йилдан буён айтиб келинади. Масалан, келтирилган кейинги воқеа афтидан ўтган йил сентябрь ойида юз берган. Бу ҳақда одамлар гапиришмоқда. Турли газеталарда, ижтимоий тармоқларда ҳуқуқ-тартибот органлари шаънига баъзан ўринли, баъзида эса ўринсиз фикрлар ҳам билдирилмоқда. Маълумки, кейинги тўрт-беш йил ичида мамлакатимизда чуқур ислоҳотлар олиб бориляпти. Илгари ҳеч кўрилмаган ижтимоий-сиёсий жараёнлар кечмоқда, бутун Ўзбекистон қурилиш майдонига айланиб, янги-янги турар-жой бинолари, ҳатто осмонўпар қасрлар қурилмоқда. Ҳар бир шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида депутатларимиз томонидан қонунлар қабул қилиняпти. Одамларни рози қилиш учун бутун-бутун маҳаллалар қайта қуриляпти. Ҳар бир туман, ҳар бир фуқаролар йиғинлари идораларида ҳукуматнинг одамлари: “қани нима гапингиз бор, ҳаммасини бажарамиз”, дея қамишдан бел боғлаб туришибди. Бир сўз билан айтганда, остонамизда Янги Ўзбекистон эшик қоқмоқда. Мана шундай бир паллада юқорида келтирилган барча ишларга, ўтказилаётган тадбирларга қайси бир жиҳатдан бевосита алоқадор, халқимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигига тўғридан-тўғри масъул бўлган менинг милициям нега бундай нохуш воқеаларга аралашиб қолмоқда? Наҳотки, ўйиндан ўт чиқаётган бўлса? Наҳотки, бу соҳадаги айрим кимсалар ўзининг ким экани ва нима учун давлатнинг мўмай-мўмай маошларини олаётганларини унутишган бўлса? Ахир улар давлат ва халқнинг муҳофазачилари эмасми? Муҳофаза қилиш фақат уриш-сўкиш, ўлдириш билан бўлади, деб қаерда ёзилган? Ҳа, тўғри, бу воқеаларда уларнинг айблари бўлмаслиги мумкин. Лекин инсонларнинг ўлими билан ниҳояланган воқеаларда милиция номи аралашганининг ўзи кишини ўйлатади. Дарҳол хаёлга: “Шамол бўлмаса дарахтнинг учи қимирламайди”, деган халқ мақоли келади. Зотан, юқоридаги каби воқеаларда ИИБ ходимларининг айблари тасдиқланган ҳоллар ҳам учраб турибди-ку! Жумладан, ўтган йили бутун республикада жуда катта шов-шувлар келтириб чиқарган Чироқчи воқеаси юзасидан суд ҳукми ўқилганини кўпчилик билади. Чироқчи тумани ИИО ФМБ 4-сонли ИИБ бошлиғи лавозимида ишлаган Н.Овлаев 9 йил озодликдан маҳрум этилгани ҳақида EFFECT.UZ расмий канали ёзиб чиқди. Хўш, нима бўляпти ўзи?



Олдиндан айтиб қўйишимиз керак, юқорида келтирилган воқеаларда милиция ходимларининг айби бор ёки йўқлигини тергов органлари ва суд аниқлайди. Айни пайтда биз суд очерки ёки журналистик суриштирув ҳам олиб бораётганимиз йўқ. Юқорида айтганимиздек, камоли “менинг милициям”нинг айтиб ўтилган хабарларда келтирилган воқеаларга алоқадорлиги, тўғриси, уларнинг шаъни-шавкати таҳликага солгани боис қўлимизга қалам тутдик. Агар бундай ҳодисалар юз бераверса, уларнинг олди олинмаса менинг милициямнинг обрўси (*уни кўтариш керак. Муаллиф*), қадр-қиммати қолмайди. Ахир бугунги ёшларимиз, қарияларимиз кеч демай, тун демай кўча-кўйлар, хиёбонларни кезиб, ҳордиқ чиқаришаркан, ўша менинг милициямга таянишмайдими?! Кимдир биров бирон идорага бориб, ўз ҳақиқатини исботламоқчи бўлса, ҳақиқатни эшитишни истамайдиган раҳбарлар дарров менинг милициямни чақиради. Хўш, ўшандай пайтда менинг милициям ҳақиқатни суриштирадими? Асло. Ҳақиқатчининг қўлига кишан солганча, етаклаб олиб чиқиб кетади. Бу билан айтмоқчимизки, менинг милициям фақат жазо колонияси эмас. Улар ҳам жонли инсонлар. Ҳар бирининг ўз фикри, ўй-мулоҳазалари бор. Шундай экан, юқоридаги каби воқеалар пайтида жанжал кўтараётган маст одамни ёрдамчилар ёрдамида қўлига кишан солиб, олиб кетиш ўрнига тиббиёт ходимларини, маҳалла фаолларини воқеа жойига чақириб, масалани ҳал этса бўлмайдими? Хўш, маст одамни идорага олиб бориб, қамашдан бошқа нима қилади? Мастлиги тарқагунга қадар воқеа жойида бўлиб турса, менинг милициямнинг бирон жойи камайиб қоладими?

Юқорида айтилган ва келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, бугун менинг милициям ўзини бир силкиб олиши керакка ўхшайди. Балки ана шу силкинишда ўзини хон, қўланкасини майдон деб, қонини сўриб юрган битлари зора тўкилиб кетса... Хаёлимда эса яна Собиржон мелиса гавдаланади. У билан суҳбатлашгандай бўламан: ака, ўша пайтда ёш бола бўлсак-да, лекин сиздан қўрқмас эдик, энди эса ёшимиз улғайиб — оқ-қорани танийдиган бир ёшга етдик, эркимиз ҳам қўлимизда. Аммо қўрқяпмиз...

Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
журналист.

ТААССУФ

КЕТСА — “ГЕНЕРАЛ”ИДАН, КЕТМАСА — МИНЕРАЛИДАН...

Кўчада ҳарорат 45 даража иссиқни кўрсатмоқда. Вилоятдан қайтаётиб, газ қуйиш шохобчаси (заправка)да тўхтадик. Одамларга эргашиб, қуёшни “алқаб”, булутни йўқлаб, кундага айланган шерикларига “мотам” тутганча мунғайиб турган дарахт соясига урдик ўзимизни. Шу пайт новчадан келган бола бўғиқ овозда рус тилида узоқ чулдиради. Мен унинг сўзига эмас, бобомнинг чўпон таёғидек билагию ёш бўлишига қарамай момомникига ўхшаб тиришган елкасига, лайлакникига ўхшаш оёғи ва кўзларидаги оғир дардни кузатдим. Болакай ёнимда ўтирган ўртоғимнинг “Мы студенты. У нас нет денег” деган сўзидан сўнг бизга бошдан оёқ разм солди-да, ортга бурилдию келган томонига қайтиб кетди. Ҳатто шу бола ҳам “студент” қандай яшашини билди чоғи...

Мен эса ички бир кибр ила ҳеч бўлмаса, шу болага пешонамиздаги тамғани такрорламасанг бўлмайдими, деган ўқрайиш билан дўстимга қарадим. У эса “Отам бизни ташлаб кетган, онам касал, онамнинг мендан бошқа суянчи йўқ...” деган гапини таржима қилиб, болага ёрдам бера олмаганидандир балки, сигаретасини чуқур тортди. Замондан қочиб юрган раҳмдиллик мени топиб олди шекилли, ички бир кибрланиш ила киссамга қўл солдим. Афсуски, менда ҳам “шимилдириғ” ҳам қолмаганди...

Шу пайт кечаги воқеалар кўз олдимда жонлана бошлади: тўй тўйдан қайтсин деб, курсдош дўстимизнинг тўйига – вилоятга жўнадик. Карантин қоидаларига “амал” қилинган тарзда бошланган тўйни маҳалла раиси очиб бераётганда айтган шу жумлалари миямга муҳрланди: “...кетса — “генерал”идан, кетмаса — минералидан олиб ўтиринглар”. Унинг ваъзи тугамасидан орқа ўриндиқлардан стаканларнинг “чинг, чинг...” урилиши эшитилди: “қани, олдик!” Мезбонлар қадаҳни кўтарар экан, икки ёшга ширинданширин омад ва бахт тилашарди.

Бироз ўтиб, саҳна ўртасига ўйинчи чиқди. Даврага терилган столдагилар бир-бир чиқиб, навбатма-навбат, бир қатор бўлиб саҳнада хиром айлаётган раққосага пул қистириб қайтаётганига термулар эканман, ўзбегим “одат”ларига бисотимдаги бор “мақтов ёрлиқ”ларимни ёпиштирардим. Ёнимизда ўтирган куёв-тўранинг жўралари ҳам шу ҳолатни такрорлади-да, ўз ўрнига қайтиб ўтирар экан, бизга кимлигини кўрсатиб қўйишгандек мағрурона қарашди. Бу ҳазм бўлиб улгурмасдан, давранинг нариги томонидаги аёллар ҳам “ўйинчи” атрофида айланиб, унга пул қистира бошлади: “...Кўҳна тарих шодасида битта маржон ўзбегим!”...

Бу одамлар ва уларга эргашиб отасининг пулини ҳавога совураётган биз тенги ёшлар ўз йўлига, энг ёмони — тўйга опичлаб келган ота-онасининг қилган иши ҳали эртакларда яшаётган мурғак нигоҳларда муҳрланмоқда эди!

> “ Жаҳон халқи ўликдир ё тирикдир,
> Тирик юрган илмсизлар ўликдир.
>
> Алихонтўра СОҒУНИЙ

Маълумотларга кўра, дунё олимлари яқин йилларда ички биологик соатни секинлатиш йўлларини қидирмоқда, тез орада қариш жараёнини тўхтатадиган таблеткалар ва генетик терапияларни тавсия қилишлари ҳақида айтишмоқда. Қизиқ, яшашни фақат элга данғиллама тўй қилишнию раққосага пул сочишни мақсад қилган одамларимиз, бу таблеткани қабул қилса, бу ҳолат яна узо-оқ йиллар такрорланар экан-да? Ҳа, биз замонга боқмаймиз, замон бизга боқсин, дея қадаҳларни жингирлатаётган эл одамларимиз, хотини йиртиқ ковушда юрадими, отасининг маҳсиси сиқадими, боласи тиланчилик қиладими... бу муҳим эмас: ахир, эл қараб турибди, уларга ўзининг кимлигини кўрсатиб қўйиш керак! Шундай эмасми?

Албатта, биз сизга ҳавас қиламиз! Фил гавдангизга, йўғон билагингизга! Кечирасизу, тўйга бориб, атрофимдаги одамлардан “ўрнак бўладиган” фақат шу нарсаларни олдим. Мактабгами ёки боғчага қадам қўйган фарзандингиз сизга ҳавас кўзи ила боқишини, керак бўлса, сиз сочган пуллардан бу менинг отам дея фахрланаётганини ҳам кўрдик. Яна бу нигоҳлардан “мен ҳам катта бўлсам шундай қиламан” деганларни ҳам англадик. Қаердадир ўқигандим, инсонни вақт эмас, аксинча, атрофдаги воқеалар улғайтиради. Ҳа, келгусида илм билан тўлиши мумкин бўлган мияга шу ва шунга ўхшаш вақеалар муҳрланмоқда. Афсус...

Сардор ТОЛЛИБОЕВ.



Рустам БОЗОРОВ чизган сурат.

АЖАБО

“МАРҲУМ” НЕГА ПАСПОРТ ОЛОЛМАЯПТИ?

Бир пайтлар Турмахан Есенбаев ҳам бошқа бахтли инсонлар сингари оилали, турмуш тарзи бировдан зиёд бировдан кам оила бошлиғи эди. Ҳа, унинг оиласи ва фарзандлари бўлиб, Чирчиқ шаҳрида умргузаронлик қилар, ўзи севган касби пайвандчилик билан машғул эди. Унинг айтишича, ҳатто у пойтахтимиздаги кўзга кўринган иншоотларнинг бунёд этилишида ҳам ўз ҳиссасини қўшганлардан. Аммо тақдир экан, ишда олган жароҳати сабаб Турмахан ногирон бўлиб қолади. Елади, югуради ногиронлик нафақасига чиқа олмайди. Орада ичкиликка берилиб гулдек оиласидан ажралиб, сўққабошликни ихтиёр этади. Нима ҳам дейиш мумкин, бу ҳаёт— унда ана шундай тақдир синовлари билан ўзича яшаётганлар ҳам йўқ эмас. Эҳтимол, кимлар учундир улар “Худо урган ва ҳеч кимга керак бўлмаган” одамлардир. Аммо улар ҳам тирик жон. Ризқини ва умрини берувчи Яратганнинг ўзи. Қолган таассуротларни қуйида мақолани ўқиб амин бўласиз.

“Гўрўғлининг туғилиши” достонини ўқиб вояга етганмиз. Худди шу Гўрўғлининг қайтиши ўтган йили коронавирус инфекцияси тарқалиб, ҳаммани уйига қамаган пайтда Чирчиқ шаҳрида содир бўлиб, қорлар ёғиб, изларни босилди, аммо...

Айрим одамлар нақадар лоқайд, эътиборсиз ва “оёғи ердан узилган”ига азбаройи шу воқеа сабаб яна бир бор амин бўлдим.

Карантин сабаб ҳатто сувлари сокин оқадиган Чирчиқ дарёсининг ҳаловати бузилгани рост. Айниқса, чора-тадбирларнинг кескинлашиши масала жиддий эканлигини кўрсатарди.

Жон ширин деганларидек, ҳамма “ўз-ўзини яккалаш”га ўтганди. Чирчиқ шаҳри, 8-кичик даҳасидаги ташландиқ вагон ёнидаги чиқиндихонада, дунёни унутиб, ўз майлида яшаётган Турмахан ва унинг улфати Колянинг ҳам ҳаловати бузилди. Чунки идиш кўтариб чиқиндихонага ташлаш учун келадиганлар сони кескин камайиб қолди. Маҳаллада:

— Ана уларни қаранглар, ҳамма вирус шуларнинг ёқасига ёпишган аслида, буларни тартибга оладиган одам борми, — дегувчилар ҳам шундай кунларда кўпайди.

Бу гапларга Турмахан пинак бузмасди, чиқиндихона вагони атрофида тимирскиланган билан, унинг бир хонали бўлса ҳам, уйи бор эди. Нари борса уйига кетади. Коля ҳам тинч эди. Ҳеч бўлмаса Турмахандек оғайниси бор.

Турмаханнинг аҳволини тушунса бўларди, унинг бир оёғи майиб эди. Айтишларича, касби тоифали пайвандловчи бўлса-да, оғир ишга ярамай қолган. Ногиронлик нафақасига чиқиш илинжида юраркан...

Ўша куни (қатъий карантин пайтлари. 2020 йил, апрель ойининг охири) ички ишлар ходимлари, профилактика инспектори ва посбон кўп қаватли уйлар олдида пайдо бўлишди. Кўпчилик буни одатий ҳолдек қабул қилди. Аммо Турмахан...

— Тўхта, ниқобинг қани? Мана яна битта қоида бузган! Қаёққа кетаяпсан? Уйгами? Уйингда ким бор?

— Ҳеч ким йўқ, битта ўзим тураман, — дейди Турмахан.

Бечора, қўрқиб кетиб чакки қилган экан. Уйида шериги борлигини дарров айтса бўлар экан. Аммо ширакайфлиги сабабми ёки ёдидан кўтарилганмиди, ишқилиб уйида Коля борлигини айтмади.

Кутилмаганда қўлтиғидан олган ички ишлар ходими ва посбонларнинг хатти-ҳаракатидан Турмахан довдираб қолганди.

— Уйимда газим ёниқ қолди, мени қўйворинглар... – дея, уларнинг измига бўйсунишга мажбур бўлди...

— Мен... қаёққа?! Бормайман!

Уй бошқарувчи ва унинг аёлига эса ходимлар уни тезда қайтишини, бир текшириб қўйиб юборишларини айтишди, лекин...

Турмаханнинг уйида қолган Коля оч қоринга чала-чулпа ювиниб чиқиб, Турмаханнинг эски кийимини топиб кийиб олди, эски кўрпага ўраниб бошини ёнга ташлади. Коля икки кун “фанфурик” спирти сархушлигида тузукроқ овқат емагани учун роса очқаган эди. Сўнг эшикка умидвор қаради...

Бу пайт ички ишлар ходимлари Турмаханни мажбурий равишда карантин зонасига олиб кетишганди...

Орадан беш кун ўтиб Чирчиқ шаҳар Ички ишлар бўлими “Навбатчилик қисми”нинг телефони жиринглади.

— Мен, “Хумо” маҳалласидан, ҳозиргина 8-уйдан бир аёл қўнғироқ қилди, Турмаханни олиб кетувдиларинг шекилли...

— Ҳа, у карантинда.

— Унинг уйи ичидан бадбўй ҳид келаётган эмиш, ўликнинг ҳиди дейишаяпти...

Кўп ўтмай кўп қаватли уйнинг олдида “Тез тиббий ёрдам” машинаси пайдо бўлди. Турмаханнинг уй эшигини бузиб кирган орган ходимлари ортидан тиббиёт ходимлари уйга киришди... Не кўз билан кўрсинки... Эски кўрпада “Турмахан” ўлиб ётарди…

Қаранг, бу ярамас карантиндан қочиб, уйига келиб олган экан-да!

Марҳумнинг опаси Асел уввос солиб йиғлай бошлади. Акаси эса абгор ҳолатга келган жасадга ачиниб кўз ташлади, кийимлар ҳам марҳумнинг ёнидан чиққан паспорт ҳам укасиники эди. Орган ходимларига қараб олиб: “Ҳа, укам”, деди.

Хуллас, ташвиш устига ташвиш бошланди. “Ҳартугул мусулмонмиз, Турмаханнинг акаси ўликхона (морг) дагилар билан гаплашсин, уни мусулмон одатига кўра қабрга қўяйлик”, дейишди қўшнилар. Майитнинг кафанланган танаси опасининг у ўсиб ўлғайган маҳалладаги уйидан олиб чиқилди. Мулла жаноза ўқиб бўлгач, марҳум қабрга қўйилди...

Қизиқ дунё, кўп ўтмай ўн тўрт кунлик карантиндан пиёда қайтган Турмахан опасиникига борди. Эшикдан кириб келганини кўрган опаси Асел ҳушдан кетиб қолди. Уйдагиларнинг бари Турмаханга ғалати қарарди. “Арвоҳмасмисан”, деб ундан қочишарди. Турмахан ҳайрон, улардан гап нимадалигини тушунтиришини талаб қилди. Масала ойдинлашди...

— Эй Коляжон, мени кечир, сени уйдалигингни ходимларга айтсам бўларкан, — дерди, гап нимада эканини тушунгани сайин баттар эзилиб.

Коля билан анча йилдан буён қалин эдик. У кўп ҳолларда менинг уйимда тунаб қоларди. Жигари оғир хаста эди. Афсус, мени ИИБ ходимлари ва посбон карантинга олиб кетишмаганда эди, балки унга яхшироқ қарармидим. Ахир у уйда калит турадиган жойни билардику, очлик ва касаллиги туфайли эсига келмадимикан… Уйимда очлик ва касалликдан ўлиб қолган. Уст-бошида менинг либосларим. Ҳамма уни мен деб ўйлаган. Нима бўлганда ҳам, мендан рози бўл, Коля, — дейди у кўзига ёш олиб.

Аммо ҳаёт тўхтаб турмайди, яшаш учун ҳаракат қилиш керак. Турмахан карантиндан қайтганди. Яна эски жойга, эски хизматига қайтди. У кета туриб йўлда акасининг уйига кирди. Акаси:

— Сени саккиз кун аввал кўмиб келгандик... — деди.

— Ўзим сени ерга кўмай, нега мени кўмасан, — дерди кўзига ёш олиб Турмахан.

Тақдирни қаранг, бу ҳам ёзиқда, Яратган Турмаханнинг улфати Коляни ёрлақаган экан, у ислом дини урф-одатлари билан дафн этилди. Гўё “гўр”дан тирик чиқиб келган Турмахан эса йўлидан чиққаннинг эсхонасини чиқариб, қўл бериб кўришиб юрди.

Энг ёмони, “Турмахан Есинбаев вафот этди” деб, ФҲДЁ бўлими ходимлари унинг паспортини ўлганлар қаторига қўшиб қўйишган эди. Ҳалигача Турмахан карантин сабаб кимларнингдир айби билан янги паспорт ололмай сарсон.

Бу воқеа асло тўқиб чиқарилгани йўқ. Мана, орадан бир йилдан зиёд вақт ўтди. “Марҳум” Турмахан Чирчиқ шаҳар ИИБга қатнайвериб, ўзи яна бир бор боқий дунёга рихлат қиладиган даражадаги аҳволга келиб қолди. Унинг айтишича, бугун на маҳалла фуқаролар йиғини ва на профилактика инспекторлари, на бошқа мутасаддилар тинглайди. Айбсиз айбдор бўлиб, чиндан ҳам тирик “марҳум”га айланган...

Ҳикматулло ҚОДИРОВ,
“Hurriyat” мухбири.

ШЕЪРИЯТ

Бир тоғлик йигит яқин ўтган замонда оғир машаққатлар билан қарз-қаволага ботиб, уйланибди. Гўзал қайлиғини чимилдиқда кўриб, ярим бағри бутун бўлиб, “Қарзни узаман, хотин ёнга қолади” деб, фароғатли лаҳзалар оғушига ғарқ бўлибди. Келин эса фақат ўзигагина маълум бўлган аччиқ ҳақиқатдан даҳшатга тушиб, кўзларидан дарё-дарё ёш тўкибди. Чунки унинг севган йигити бор экан. Қизнинг отаси севганига бермагани учун гумроҳлик ила хиёнат юз берибди. Қайлиғининг нотўкислигидан дунёси қоронғу бўлиб, йигит бир оғиз дашном бермабди. Эрталаб улар йўлга тушибди. Йигитнинг елкасида милтиқ, аёли эшакда изидан. Тоғнинг ўнқир-чўнқир йўлларида тебраниб-тебраниб келаётир.

Бу йўллардан кўп ўтганман, гоҳ яёв, гоҳ сувори,
Юрагимда чўкиб қолган минг йилларнинг ғубори.
Отам узоқ яшамади, ўлиб кетди номусдан,
Ўгай энам ўткинчи бир йўловчига кўз сузган.
Ўша куни уч мурдани кўмишганди овулда,
Кейин ўтди қолган умрим исканжаю довулда.
Оёқяланг, пода боқиб Кўҳимазор ёқларда,
Кўрпа қайда, ухлар эдим похолу ўтлоқларда.
Нега отам йўлочини қўшиб ўгай энамга,
Қўшоғиздан бир ондаёқ жўнатди жаҳаннамга?!
Ўзини ҳам отди наҳот, бир урғочи зот учун?
Курашмади ўзгалардек ширинроқ ҳаёт учун.
Мана анов юрибдику ўйнаш тутар хотини,
Пули кўпда шунинг учун биров тутмас отини.
Занғар деган сўзни асло эшитмай деб падарим,
Бир ўқ билан бу дунёдан кетди ғаму кадарим.
Фожиалар фақат менинг ҳаётимга хос бир тус,
Баланд тоғлар талқон бўлсин агар топталса номус!
Омад кетса, кетаверар, етти пуштинг доғдадир,
Кўзларимдан бугун ёшмас, ё Рабб, ўқлар ёғадир!
Отам каби ўлар эдим, дўстлар арзим бўлмаса,
Одамлардан хотин учун олган қарзим бўлмаса.

Ҳаёти қуёши сўна бошлаганини, саноқли дақиқалардан сўнг мангулик зулматига чўкишини ҳис этган, эҳтиётсизлик қурбони бўлмиш бечора келиннинг кўнглидан ўтганлари:

Қурбонликка аталган қўй, тўйда асло сўйилмас,
Ҳеч қачонда аёл зоти тирик гўрга қўйилмас.
Елкасида қўш оғизи, эрим аён ўлдирар,
Кўзим тўймай бу ҳаётдан тупроқ билан тўлдирар.
Мен номуси топталган қиз, юрак-бағрим тилимдир,
Севгилимга етолмадим, шунинг ўзи ўлимдир.
Зўрламади ўзим унга ҳадя қилдим оғушни,
Номусли эр шаксиз отар мен қанотсиз оққушни!
Дўланага маҳкам боғлар, кўзимни ҳам боғлайди,
Раҳм қилмай кўкрагимни бир ўқ билан доғлайди.
Арқон бўлар узун сочим, қайиради қўлимни,
Балки сезиб раҳми келар қорнимдаги боламни.
Қарғамайман кўнгилхушим, алдаб кетган хуштарим,
Сен-ла кетди энди билсам ҳам номусу ҳам орим.
Пешонамга ёзилгани шу экан-да Худойим,
Отсанг тезроқ ота қолгин қарзга ботган гадойим.
Сен қиморда ютқазган бир қиморбоздек ночорсан,
Менга қараб раҳм қилмай милтиқдан ўт очарсан.
Менинг айбим муҳаббатдир, ишқ боғлади кўзимни,
Кўнглим тусаб фидо қилдим номусимни, ўзимни.
Ҳалол эди туйғуларим, гардсиз эди юрагим,
Энди тешик тоғорадек ҳеч кимга йўқ керагим.
Ожизаман, қисматимни кимга сўзлаб, айлай дод,
Туғилмаган ўғлим сенга ўзим тиғ тортган жаллод!
Номи қурсин йигит бўлиб, чертиб кўнгил торини,
Бировларнинг оғушига бериб қўйса ёрини.
Ё алдандим ё муҳаббат шундай дарду ғам экан,
Дунё деган тугал эмас, доимо бир кам экан.
Эркакларнинг истаклари роҳат, ишқу оҳ экан,
Аёлларнинг номуслари топталса гуноҳ экан.
Ўн тўрт ёшдан муччи олиб, ром айлади лабимдан,
Ўн олтида чидолмай жой бердим ўзим қалбимдан.
Ўз майлимга қўймай отам, зўрлаб берди куёвга,
Бахт — милтираб ўчгувчи шам, бериб бўлмас бировга...

Эр-хотин ўз хаёли билан йўлида кетаверсин. Энди гапни қизнинг хушторидан эшитинг. У қишлоқнинг подасини боқиб, ошиҳалол йиғиб, бировларниг эшигида кун кўриб юрган сағир йигит экан. Қизга уйланишга оғиз очолмай доғда қолиб, бағрини ерга бериб, бир тепаликда ётиб, подалари тарқаб кетган, ҳар жой, ҳар жойда ўтлаб юрар экан. Эс-ҳуши қизда қисматини қарғаб:

Ота-онам тирик бўлса, сарфлаб йўғу борини,
Олиб берар эди балким ўғли севган ёрини.
Отам жангга кетган экан тўрт кунлик куёв бўлиб,
Қаттол ғаним юртимизни босганида ёв бўлиб.
Мен дунёга келганимда шўрлик онам Машаққат
Бир кун ўтмай Тўрасидан олган экан қорахат.
Зачча[1] ҳолда йиғлаб-йиғлаб, беш кундан сўнг ўлибди,
Ёлғиз бувим бу дунёда менга паноҳ бўлибди.
Етим боши тошдан дея, Тошпўлат ном қўйибди,
Бир бурда нон топиб бериб, эркалабди, суйибди.
Йиллар ўтиб, кўтарилгач ғалабанинг байроғи,
Момомга ҳам етиб кебди ажал қушин сайроғи.
Энажон, деб бўзлаб қолдим, уни олиб кетдилар,
Билмайманки ўша маҳал нечук шундай этдилар?
Қаҳатчилик, нон топилмас, мени ким ҳам боқарди,
Шумшук етим бехосият, кимларга ҳам ёқарди?
Эгиз экан бу дунёда эзгулигу разолат,
Биров туртса етимча деб, биров қилди адолат.
Ука бўлдим мен меҳрибон аёлнинг қизларига,
Малҳам қўйди у чандиқли қалбимнинг изларига.
Йиллар ўтиб, опаларим топиб кетди жойини,
У аёл ҳам қазо қилди яшаб йилу ойини.
Пешонага битганидан тўкиладир кўзёшим,
Мана энди қаерларга уриларкин тош бошим?
Оғир йиллар ўтиб кетди, чидар экан одамзод,
Паноҳига олди мени подачи чол Дўстмурод.
Ошиҳалол йиғиб бир кеч, дуч келдим Гулрухсорга,
Кейин мангу меҳрим тушди шу кўзлари хуморга.
У ҳам мени ётламади, бўса берди бир кеча,
Бу сағирнинг саодати такрор бўлди бир неча.
Ўйлабманки эришмоққа фақатгина бир йўл бор,
Йўқса мендай камбағалга берилмайди Гулрухсор.
Инжагина оғушида ботганида силсилим,
Тотдим ширин олмасидан ўша кеча бир тилим.
Очилганди Гулрухсорнинг энди якка ғунчаси,
Мендан эди у ғунчанинг очилган тугунчаси.
Севдим энди армоним йўқ, севилганим бахт эди,
Мен сағирга бу мартаба ҳам тожу ҳам тахт эди.
Ошиҳалол пайти бир кун гулим кўзи ёшланди,
Менинг бахти қаролигим ўша кундан бошланди.
Ёрим энди меникимас, унашилган Ғаюрга,
Қандай айтай ҳасратимни тушунмаган у зўрга.
Тилим-тилим бўлди дилим янграганда ноғора,
Сув солганда билинади таги тешик тоғора.
Қайлиғидан билиб олиб яна менинг “сирим”ни,
Қассоб каби бўғизлайди, шилиб олар теримни.
Отасидек ёки мени дўланага боғлайди,
Бир ўқ етар ёки зимдан билдирмай пичоқлайди.
Гулрухсорни алам билан қучоғига босади,
Қўрқитади, келиб мени бир дарахтга осади.
Отам ўлди ёв ўқидан, онам ўлди оҳида,
Осса осар, ўксик қалбим бир дарахтнинг шохига.
Алам қилмас ўлдиргани ё уриб ё осгани,
Алам қилар севгилимни қучоғига босгани.
Кўкрагимни захга бериб, ётганимдан не фойда?
Бориб айтай у ҳам мендай бир адашган гадойда!
Ё ўлдирар ё қайтариб беражакдир Гулимни,
Йўқса бундай яшагандан афзал билай ўлимни.
У ёш эди, билмас эди, нима дея айтишни
Ҳамда тузган режасидан кечиб ортга қайтишни.
Қарасаки ён бағирлаб келмоқда қўш йўловчи,
Эшак минган аёл билан милтиқ таққан бир овчи.
Бирдан унга аён бўлди Гулрухсорнинг қисмати,
Оқибати мана унга бахш этилган исмати.
Туёғини олиб аста изларидан жўнади,
Балки инсоф қилар Ғаюр, ўлдирмасдан кўнади.
Ё ўлдирса аввал уни сўнг қатл этсин аёлни,
Бутлаб бўлмас дарз кетганда ҳеч маҳалда сополни.
Демак, Гули севар экан, ҳатто этиб жон фидо,
Ишқ қурбони бўлишидан асра уни эй Худо!
Аслида мен гуноҳкорман, мендан ўтди бу кўрлик,
Мени севиб бу кунларга қолдингми-а сен шўрлик?
Кучи етмас Ғаюр билан солишмоққа сағирни,
Майли эди бир ўқ билан тилкаласа бағирни.
Онасидан ўрганганин қуш уяда қилади,
У Ғаюрнинг ниятини энди аниқ билади.
Қўшоғизни қўйиб Ғаюр, боғлар Гулин дарахтга,
Милтиғини олиб шу пайт, ўт очгай у бадбахтга.
Гули билан шунда бирга қочар ўзга овулга,
Кейин майли дуч келса ҳам фалокату довулга.
Ният холис, зимдан келди, рўй бермоқда шу ҳолат,
Ана милтиқ, кимсасиз жой, йўқдир гувоҳ кафолат.
Сал нарида Гулрухсорни Ғаюр дарахтга бойлар,
Бу фурсатдан фойдаланиб Тошпўлат уни пойлар.
Тўхта дея у қотилваш, аниқ мўлжаллаб отар,
Лек дайди ўқ учиб келиб қизнинг кўксига ботар.
Нима қилдим, қалтирайди, хато қилган Тошпўлат,
Иккинчи ўқ энди унга таскин бўлолар фақат.
Қўшоғизнинг қўндоғини ерга босди аламдан,
Кўкрагини нишон этиб, қутулди дарду ғамдан.
Ғаюр тирик қолди, Худо эшитганда арзини,
Ўн йил ётиб, кейин узди одамлардан қарзини...

02.07. 2021 йил.

[1] *Зачча – чилласи чиқмаган аёл.*

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:



Олимжон БЎРИЕВ — 1954 йил Тожикистоннинг Чинор қишлоғида туғилган. ТошДУ (ҳозирги ЎзМУ)нинг журналистика факультетини битирган. У кўпгина шеърий ва таржима асарлар муаллифилигини муштарийлар яхши билишади. У навоийшуносликка оид уч муҳим манба: Низомий Ганжавий, Хусрав Деҳлавий ва Абдураҳмон Жомий “Ҳафт авранг”ларини форсийдан ўзбек тилига ўгирган. Муқаддас Қуръони карим маъноларини шеърий тарзда китобхонларга тақдим этган. Қуйида шоирнинг сўнгги пайтда ёзган тарбиявий аҳамиятга эга балладаси эълон қилинмоқда.

ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ

МУҚОФОТДАН ЎТ ЧИҚДИ

Руслар “ўз кўйлагинг баданингга яқин” деб, бежиз айтишмаган-да ўзи. Биз, журналистлар учун матбуот куни ҳам энг яхши байрамлардан бири ҳисобланади. Чунки ҳар йили 27 июнда шефимиз чиройли дастурхон ёзиб, деярли ҳаммамизга арзирли мукофотлар тарқатади. Бултур кўпчилик ходимлар янги чиққан замонавий планшетлар билан тақдирланган эди. “Барака топинг, байрам совғаси касб-коримизга жуда асқатадиган бўлди” деб, бош муҳарриримизга ҳамду санолар айтдик.

Тантана якунлангач, анъана бўйича “бир пиёла чойга” кетар эканмиз, Дока хола (унинг асл исми Савригул, кўп вақтдан бери мусаҳҳиҳ бўлиб ишлаётгани, газетадан хато ўтказмаслиги учун ҳамма ходимлар, ҳатто шеф ҳам уни “Дока хола” дерди) аста шипшиди:

— Менга мукофот тегмаганига хафа эмасман, ўзим бор-йўғи бир ҳарф тузатувчи бўлсам. Лекин газетамизнинг биринчи кунидан бери қалам тебратиб келаётган Чўбир Самановга ҳеч нарса тегмагани ёмон бўлди-да...

— Дамини осин! — деб унинг гапини бўлди таҳририят котибаси, “бошлиқлар келади-кетади, менинг ўрним мустаҳкам” деб фахрланиб юрадиган, керак вақтда бош муҳаррир учун ҳам бош қотирувчи Мастонахон. — Саманов ўн йилдан бери отти калласидай пенсия олади, ойлиги, гонарари етти пуштига йиғса, етадиган. Мукофотти бошига урадими?

Мастонахон айтдими, бошлиқ айтди деб ҳисоблайверинг. Шунинг учун байрамдан қуппа-қуруқ кетаётган, мукофот машмашасини бошлай-бошлай деб навбатда турганларнинг дами ичига тушиб кетди. Аммо шефнинг “бир пиёла чой”ига қойил қолмаслик мумкин эмасди. Дастурхонда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Вилоятнинг энг хушовоз хонандалари шўх, “дода” қўшиқлар билан даврани роса қизитди. Мукофот олганлар, айниқса, Мастонахон ўртадан чиқмай гоҳ чирпирак бўлиб, гоҳ товусдай хиром этиб, ўз номига яраша мастона хиром этди.

Энди бу йил байрам қандай ўтаркан, билмадик. Шефни нафақага кузатдик, янги бош муҳаррир Тулкун Игамович анча ёш, жамоа билан чиқиша оларми-кан? Аслида у Тўлқин Эгамович бўлиши керак, лекин паспортим шундай, мени Тулкун Игамович деб чақирингилар деб, ўзи шарт қўйган. Мастонахон унга расман “Тулкун Игамович” деб мурожаат қилса ҳам ортидан “Тулкунчик” дейди. Бир куни у навбатдаги “летучка” (ҳафталик ижодий фаолият муҳокамаси)дан сўнг деди:

—Касб байрамимиз яқинлашяпти. Уни муносиб нишонлаш учун мен бош, касаба уюшмаси раиси ён-бош битта комиссия тузсак. Бу йил обуна яхши бўлган, пулимиз кўп. Майдалашиб ўтирмай фаол ходимларга биттадан энг янги чиққан телевизор берсак, нима дейсиз?

“Э, бу бошлиқ эътибор масаласида улоқни олиб кетадиганга ўхшайди-ку!” — деган гап ўтди хаёлимиздан. Бундай эътибордан таъсирланган жамоа бараварига қарсак чалиб юборди.

— Раҳмат сизга, Тулкун Игамович.

— Барака топинг, шеф.

Залдан ташланган бу лукмаларда самимият ҳам, хушомад оҳанглари ҳам йўқ эмасди.

— Лекин битта шарти билан, — деб давом этди бош муҳаррир. — Мукофот ҳақиқий жонкуяр, ижодкор ҳамкасбларимизга тегиши керак. Бунинг учун байрамни ўтказиш комиссияси ҳар бир ходимнинг самарадорлик рейтингини ишлаб чиқиб, юз баллик тизим асосида баҳолайди. Шу асосда энг муносиблар тақдирланади. Менимча, шундай қилсак, адолатдан бўлади, тўғрими?

Бу таклифга биров тушуниб, биров тушунмаган бўлса ҳам ҳамма бош қимирлатиб маъқуллади.

Орзиқиб кутилган байрам шанба — дам олиш кунига тўғри келса ҳам, жамоа тугал, ўзгача, кўтаринки кайфият билан ишга келди. Ҳатто тепакал Чўбир Саманов ҳам кал бошининг ўнг тарафида қўйиб турадиган сичқоннинг думидай сочини чап тарафга силлиқ тараб, оқ кўйлагига ярашиқли кўм-кўк галстук тақиб олган.

Тулкун Игамович сўзамолгина йигит экан, оммавий ахборот воситалари халқнинг дилидаги гапларни топиб ёритиши, энди “урра-урра”лар вақти ўтгани, камчилик кушандаси, янгилик жарчиси бўлишимиз лозимлиги ҳақида бир соатча куйиб-пишиб гапирди. Табрик тугаши билан мукофот кутганлар “хайрият!” деб енгил тин олди ва бор кучини қарсакка берди. Мукофотга берилган телевизорлар ҳақиқатан ҳам жуда катта, кенг экранли экан. Ҳамманинг ҳаваси келди.

— Энди ҳеч ким кетмасин, ҳар йилгидай бир пиёла чойимиз бор, — деди касаба уюшмаси раиси мажлис сўнгида томоғини маънодор қириб. Раиснинг бу томоқ қиришида “бир пиёла чой”нинг луғавий маъноси мужассам эканлигини ҳамма тушунди.

— Чойингизни ўзингиз ичинг!

Ҳамма “дувв” этиб, овоз чиққан тарафга ўгирилди. Бу кескин овознинг эгаси Мастонахон эди. У бош муҳаррир гапираётганда дераза ёнида қўл қовуштириб тавозе билан ўтирган эди. Охири ходим қарсаклар остида мукофотни олиши билан ғазабдан ранги оқариб, лаблари гезариб, дир-дир титрай бошлади. — Ўн беш йил шу даргоҳнинг қора меҳнатини бажариб юрсаг-у мукофотга келганда пуф-сассиққа айландикми, а?

Мастонахон бутун қаҳр-ғазабини профком раисига қараб сочар, аслида заҳарли ниш шефга қаратилганлигини ҳамма, ҳатто муҳаррирнинг ўзи ҳам сезиб турарди.

— Мен шахсан рози эмасман, билиб қўйинг, рози эмасман! Менинг меҳнатимни ерга урадиган бундай байрам йўқ энди мен учун!!

— Опа, бекорга биздан хафа бўлаяпсиз. Мукофотлар худди келишганимиздек, энг муносиб ходимларга, ҳақиқий жон койитиб ишлаганларга, олган балларига қараб, адолатли тақсимланди. Хоҳласангиз комиссия хулосаси билан танишишингиз мумкин.

— Адолатли?! Чўбир Самановга мукофот нимага керак? Бир оёғи тўрда, бир оёғи... пенсияда бўлса. Ҳаммаси таниш-билишчилик бўлган. Мана кўрасиз, энди мен борадиган жойимга бориб, айтадиган гапимни айтаман.

Мастонахон кутилмаганда ўкириб йиғлаганча мажлисни тарк этди. Унинг ортидан қабулхона эшигининг қарсиллаб ёпилгани эшитилди. Кутилмаганда содир бўлган бу воқеадан ҳамма, ҳатто Тулкун Игамович ҳам бир неча сония карахт ҳолатида қолишди. Бош муҳаррир ўрнидан туриб, ихтиёрсиз равишда бармоқлари билан столни доира қилиб черта бошлади, кейин ўзи билан ўзи гаплашаётгандай тўнғиллади:

— Мукофотдан ўт чиқди...

— Бир нарса дедингизми, шеф? — сўради ёнида ўтирган профком раиси.

— Ҳа-а... Йўқ. Бугунги тадбир ҳақидаги мақоланинг сарлавҳасини ўйлаб турувдим, ўзи кеп қолди.

Мунаввар ПАРДАЕВ.

МУАЛЛИФ ҲАҚИДА:

Мунаввар ПАРДАЕВ — 1951 йили Сирдарё туманида туғилган. Сирдарё давлат педагогика институти (ҳозирги ГДУ)ни тугатган. “Янги ҳаёт”, “Сирдарё ҳақиқати”, “Ўзбекистон овози” газеталарида ишлаган. Олтита публицистик ва “Тоза баҳор” шеърий тўпламлари муаллифи. Ҳозирги пайтда Гулистон давлат университетининг “Университет овози” газетаси бош муҳаррири.

КЕЧИНМА

Қишлоқ деганда, одатда соддалик, тўғрилик, ҳалоллик ва одамийлик каби гўзал фазилатлар ёдга тушади. Ҳар ҳолда, қишлоқ одамлари тасаввуримизда шундай муҳрланиб қолган. Борган сари анқонинг уруғига айланаётган оқибат илдизларини ҳам асосан қишлоқ кишиларига нисбат берамиз.

Адашдим чоғи. Бугунги қишлоқлар бошқачароққа ўхшайди…

Кейинги пайтлари қишлоққа борсам, юрагим эзиладиган бўлиб қолган. Кенгликлар бағрида ҳам яйраб нафас ололмайман, ичим сиқилади. Гап фақат турмуш шароити ёки моддий аҳволда эмас. Одамлар ўзгарган, жуда бошқача бўлиб қолган. Бир қарашда ҳали ҳам ўша-ўша: бойлар дунё орттириш ташвишида, аҳволи мундайроқлар бир амаллаб кун ўтказиш пайида. Ҳою ҳаваслар, ҳакалак отиб бораётган нафсоний истаклар… Аксарият кишилар на бу, на у дунёси учун фойдасиз ишлар билан андармонга ўхшайди: ўлардай тер тўкиб ишлайди-да, топганини бир кунда шамолга совуради. Ичкиликка муккасидан кетган кўча кишилари ҳақида гапирмаса ҳам бўлар…

Одамлар нуқул бозордан гапиради. Тўйларга янги-янги “урф-одат”лар қўшилган. “Жуда бошқача тўй бўлди-да”, оғзининг суви қочади сочларига оқ оралаган онахоннинг. Кейин билсам, “бошқача” тўйга бир эмас, икки эмас, бешта “артист” – яллачи келганмиш. Ажаб, бугунги қишлоқ кексалари ҳам данғир-дунғурга ҳавасманд. Улар ҳам гумбурлатиб, эл кўзи учун тўй бериш иштиёқида. Қўшнининг қўшни билан деярли иши йўқ бўлса ҳам, “иш юзасидан” иши бор. Маҳаллада бирон ноқобил чиқса, ковушини тўғрилаб қўядиган оқсоқолларнинг бугун ўз набирасига сўзи ўтадими, йўқми... Ерлар, уй-жойлар кенгайган, кўнгиллар кичрайган.

“Нексия”лар кўпайган, беғараз хизматчилар камайган. Ҳа, “очилиб” бораётир қишлоқлар... Аввалари, Худо кўрсатмасин, “севишганлар” ота-онаси розилигини олмай, оқ фотиҳасиз “қочиб” кетадиган бўлса, бу бутун қишлоқ учун катта иснод саналарди. “Енгилтак”ларнинг яқин қариндошларига барча олақараш қилар, юзи шувут эди уларнинг. Яхши эслайман, ўқувчилик пайтларимиз ҳали мактабни битирмаган қиз “ошиғи” билан қочиб кетганида катта йиғилиш бўлган, жуда қаттиқ гаплар айтилган, шундан кейин шўх-шаддод йигит-қизларнинг юриш-туришида кескин ўзгариш кузатилганди. Ҳозир-чи? Энди бўй етган баъзи қизу йигитларнинг тўйдан олдинги “висол оқшоми”га кўникиб боряптими қишлоқ аҳли? Яна хаёлан яқин ўтмишга қайтаман. Илгарилари ҳамқишлоқлар орасида энг юпун одамнинг ҳам юз-кўзида ҳаловат, хотиржамлик аломатлари сезилар, қаноат ҳисси бор эди. Бугунги қишлоқликлар шошгани-шошган. Афсуски, айтиб ўтилганидек, улар икки дунёси учун ҳам фойдасиз “амал”лар билан банддай кўринади.

Бу ҳолнинг илдизларини қидирсангиз, бошқа жойларга кетиб қоласиз. Лекин аҳволни ўнглаш керак-ку!

Булар дийдираб турган қишлоқ қиёфасига боқиб, неча йиллар олдин хаёлдан ўтган узуқ-юлуқ мулоҳазалар.

Афсуски, аҳвол ҳали ҳам ўшандай. Назаримда, бугунги қишлоқ содда ва ғўр, устига-устак, илмсиз, бўш-баёвлиги туфайли ҳеч иши ўнгланмаётган, шу ҳолида ўзини ҳам, ён-атрофдагиларни ҳам қийнаб юборган ношуд болага ўхшайди. Ошириб юбормадимми? Менимча, йўқ. Болалик хотираларимга муҳрланиб қолган ўша файзли қишлоқ ва унинг ҳусни бўлган кенгфеъл, содда ва мурувватли одамларни қўмсайман. Бугун қишлоқда туриб қишлоқни соғиндим. Эҳтимол, сиз томонларда аҳвол бошқачароқдир...

Ҳа, шаҳарда яшаб, бу ғала-ғовур кент ташвишларидан безиб, соғиниб борадиган самимий, беғубор, содда лекин донишманд қишлоққа ошиқиб борган кунларни доимо қўмсайди киши...

Беҳзод ФАЗЛИДДИН.

Муаллиф ҳақида:

Беҳзод ФАЗЛИДДИН — 1983 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетларини тамомлаган.

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD).

“Муқаддас замин” (1999), “Боғларингдан кетмасин баҳор” (2000), “Онамнинг кўнглига кетамиз” (2003), “Сен қачон гуллайсан” (2008), “Кутмаган кунларим, кутган кунларим” (2012), “Тушларингдан чиқиб келдим” (2017) номли шеърий китоблари, қатор бадиий-публицистик, илмий-адабий мақолалари чоп этилган.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ЁД ЭТИБ

59 йил муқаддам Москвадан Тошкентга – Эркин Воҳидова йўллаган мухтасар хатимнинг нусхаси топилди. Москванинг марказий кутубхонасида газета қатламларини варақлаб ёш шоир Эркин Воҳидовнинг асарларини ўқиб дафтарга ярим қоғозлик матнни ёзиб қўйган эканман. Уни ётоқда оққа кўчириб Тошкентга юборган эканман. Минг-минг китоб, қўлёзмалар нусхалари, машинкадан чиққан сценарийлар ҳамда турли мавзу ва даражадаги муҳокамалар, стенограммалари, камина мақолалари чоп этилган газета ва журналлар қатламлари, кассеталар, дисклар, мактублар орасида қалин тўлғазилган дафтарнинг бир саҳифасига тузатишлар билан муҳрланган тўрт эллик хат 1963 йилнинг саккизинчи март куни Москвадан Эркин Воҳидовнинг уйига юборилган экан.

ЮПАНЧЛИ МАКТУБ

Мактубнинг ўша — биз топган нусхасини суратга олиб муштарийга, китобхонга кўрсатиш истагида бўлдик. Сарғая бошлаган оқ қоғоз, ўша давр хати, ҳатто паспортда ёзилган исмим (“Ҳамидулла”) эмас, яқин дўстларим талаффуз этадиган яна бир исмим – “Санжар” деб ёзиб қўйилган. Мактуб ёзилган дафтарда давр белгилари, илмий фаолият режаси Москва вилоятидаги фильмлар фондида кўрилган, баҳолиқудрат таҳлил қилинган “Қасам” (1937 й.), “Асал” (1940), Худойберган Девоновдан қолган ноёб мерос – Хоразм воҳасининг ХХ аср бошларидаги кўринишлари... Ёзувлар Москва – Тошкент йўналиши бўйича ҳаракат қиладиган ўн тўртинчи поезднинг ўн биринчи вагонидаги купенинг 17-19 ўринларидан жой олганимиз ҳам ёзилган. Ҳамроҳим кейинчалик халқ артисти даражасига кўтарилган композитор Икром Акбаровнинг қалқиғи Неонилла Сергеевна бўлган экан. У билан жуссали бекатида бир зум нарх-навони билган эканмиз. Бир кило гуруч 1 сўм (аслида рубль – у кезлари).

Бизга қадрли бўлган топилманинг айрим тафсилотларини ҳам келтирганим учун узр сўрайман. Мен учун қадрли хат макон топган фурсатнинг бир-икки белгиси ўша дафтарда бор экан.

Сохта камтаринликни йиғиштириб қўйиб мактуб матнини келтириш ва менга муҳим бўлган бир-икки жиҳатини қаламга олай.

“Эркинжон! Кечикиб бўлса-да, “Ўзбекистон маданияти”даги шеърингизни ўқидим. Севикли шоирим Ҳ.Олимжон асарларини варақлагандай бўлдим. Завқ олдим! Раҳмат! Баъзан ижодингизда қийинчилик бўлса-ю қаламингизга (ва ўзингизга!) бироз дам бермоқчи бўлсангиз, мен каби кўп шеърхонларингизни эслаб, ниятингиздан қайтинг!..

Ҳар йили “Навдаларни безаб ғунчалар” энди икки шоир дилимни хурсанд қиладиган бўлди. Янги шеърларингизга муштоқмиз.

Санжар.
8.05.63”.

Эркин “ўзига дам берганини” билмайман. Лекин нохуш кайфиятда кўриб мулоҳазамни айтганман. Ҳамиша самимий, камтарин суҳбатдошим аниқлик киритган, вазият ва ҳолатга.

– Юқори лавозимга тайинланибсиз. Табриклаётгандир. Мени фикрим ўзгача. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт — бу катта даргоҳ. Адабиётдан ташқари санъатнинг барча турлари бўйича китоб тайёрлайди. Демак, сиз қоғоз, тираж, китоб савдоси, молиявий-иқтисодий ташкилий ишлар билан банд бўласиз. Пулни ассигнацияни ёқиб печкани иситгандек гап бу. Ижодий кучга тўлган вақтингиз ҳозир. Куч-қудрат беҳуда кетмаса эди...

— Тўғри англабсиз. Директор этиб тайинлашмоқчи бўлганларида розилик бермаган эдим, нашриёт, полиграфияни мендан яхши биладиганларнинг исми шарифини айтдим... Ҳайрон бўлдим...

— Мажбур қила олмайдилар-ку! Икки марта менда шунақа воқеа бўлган. Аразлаб, партияга ўтказмаймиз, деб туриб олишган. Партияга ҳали муносиб эмасман, тайёр эмасман. Ариза бермаганман, — деб қутулганман.

— Менда ўзгача бўлди. “Кўп таклифларимизни рад этдингиз. Яхши лавозимлар эди. Энди биз ҳам тақдирингизни ўйлаб кўрамиз” дейишди. Ўзим етим ўсганман. Болаларим ҳам етим ўтмасин, деб қабул қилишга мажбур эдим “таклифни”.

Зил кетдим. Иккимиз жим қолдик. Навоий кўчасида эдик. Эркин катта бинога ишора қилиб, куни кеча қилган ҳазилини айтиб, маъюс кайфиятдан чиқарди суҳбатдошини.

— Мана бу бинода полиграфияни барча тармоқларини биладиган мутахассис ишлайди. Фамилиянгиз бир хил Акбаров, исми Адҳам. Уни учратиб қолдим. Эшитган экан янгиликни. Табриклади мени. Мен жавобан айтдим:

— Энди Адҳам ака сиз шеър ёзинг, мен китоб қилиб чиқазай.

Кулишдик. Жимгина тарқалдик. Иккимизнинг ўйларимиз яқин бўлгандир шу дамда. Сиёсатга, мафкурага авторитаризм тамойиллари таъсир этишининг оқибатлари ҳақида ўйлашимиз табиий бир ҳол эди.

Кейинчалик “Ўзбекфильм” киностудиясига бош редактор этиб Эркин Воҳидов тайинланиши ҳақида кўп овозалар бўлди. Студия кутди ҳам уни. Бош редактор хонаси узоқ бўш қолди. Киностудиянинг ўша дамдаги серқатнов зинапоя-ларини Эркин ҳатлаб ўтмади.

Шарқшунос олим, малакали таржимон, профессор Шоислом Шомуҳамедовнинг севикли қизлари Саодатхоннинг тўйига борганимизда Эркин айтган сўзларни кўп эслайман. Озод ака Шарафиддинов Эркин, мен рафиқам Моҳира билан ичкари хонада қалин зиёфат лаззатини тотиб кўриб, ҳовлига чиқиб, очиқ ҳаводан баҳраманд бўлиш ниятида қўзғалдик. Кенг ҳовлининг тинч, осойишта этагига жой қилиб беришди. Ширакайф Озод ака озода, файзли ҳовлини томоша қилаётгандай шунчаки, бир жумлани айтиб синовчан кўзларини шоирга аста қаратди:

— Занг қурғур темирга ёпишиб олса аста чиритиб боради-да, Эркин. Шуҳрат деган нарса ҳам шундай эмасмикин?!

Риторик тарзда берилган савол маъносига тушуниб етган, эл-юртда машҳур Эркин Воҳидов дарҳол жавоб берди:

— Озод ака, инсон кўп нарсага чидай олади — очликка, иссиққа, совуққа, меҳнат машаққатига. Аммо шуҳрат синовига бардош бера олармикан? Менимча, чидай олмайди.

Эркиннинг ўзи бардош берди. Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони бўлди. Лекин камтаринлигича қолди. Мақтовли иш қилмагандирман. Лекин эзозли дўст, буюк шоир Эркин Воҳидовнинг “Халқ сўзи” газетасида ёзганлари менга қадрли: “Тақдир тақозоси билан рус мактабларида ўқиб, русча таълим олганлар ичидан ўзбек тилининг энг курашчан жонкуярлари чиқдилар. Машҳур санъатшунос Ҳамидулла Акбаров, менинг курсдош дўстим, рус филологияси факультетини тугатган. У ўзбек санъати, тили, адабиётининг куюнчак тарғиботчиси”.



Кейинги учрашувларимиздан бирида Эркин тўнғич ўғлим Отабекнинг дипломатлик фаолияти билан қизиқиб: “қайси юртга борсам олдимда Отабек пайдо бўларди-я!” — дерди. Хайрлашаётганида кўпинча:

— Учрашганимизда хурсанд бўламан. Ҳали бор экан-у, бемалол юрсак бўларкан-ку, — деб куларди, менинг ҳам кайфиятимни кўтарарди... Ундай шахсни кейин учратганимча йўқ.

Биз янгитдан “ихтиро қилган мактуб эса соғинч устун турган дамларда юпанч бераётгандек бўлиб қолди. Дўстлар бир-бирини аста-секин ташлаб кетар экан-ку... Шоир Эркин Воҳидов ўтган аср 80-йилларининг биринчи ярмида эътироф этилган-ку! Бу нурли олам соҳиби эса ўзини шоир эмас, шеър шайдосиман деб юрган, ёзган вақтлар бўлган-ку! Дастлабки девонлари номини “Дебоча” сўзи билан бошлашни истаган. Мен шабнам сўзи латиф тонгни эслатади. Сизни шеърият оламидаги шундай фасл эмасми, деганимни эслатди дафтар саҳифасига ёзилган сўзлар. Бу суҳбат Навоий номидаги опера ва балет театрининг ёнгинасидаги редакциялар биносида бўлиб ўтган. Мен “Камолат” деб номланган мақоламни олиб келган эдим. Эркин ўқиб “Камолот” деб ёзилмасмикин деган эди одоб сақлаб.

Ҳамидулла (Санжар) АКБАРОВ.

РЕКЛАМА

ЯНГИ НАШР

ХАЛҚ МАТОНАТИ УЛУҒЛАНГАН КИТОБ

Маълумки, 2020 йил бутун инсоният тарихида жиддий синов даври сифатида муҳрланди. 2019 йилда пайдо бўлган COVID-19 касаллиги тезлик билан курраи замин бўйлаб тарқалиб, дунё аҳолисини ташвиш ва саросимага солиб қўйди.

Ушбу юқумли хасталик мамлакатимизни ҳам четлаб ўтмади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан берилган кўрсатмалар асосида мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, ҳудудларда санитар-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш бўйича қисқа муддат ичида комплекс чора-тадбирлар белгиланди.

Минг афсуски, бутун дунё коронавирус пандемияси таҳликасида турган бир вазиятда, Бухоро вилоятида юз берган кучли шамол, Сирдарё вилоятида сув тошқини келтириб чиқарган жиддий талафотлар эл-юртимизнинг

матонатини яна бир бор синовдан ўтказди.

Кўпни кўрган, қийинчиликларда тобланган халқимиз бу офатларни ҳам ёруғ юз билан енгиб ўтди.

Яқинда “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган “Офат ва матонат” номли янги китобда мураккаб пандемия шароитида мамлакатимизда кечган тарихий жараёнлар, хусусан, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан бу офатга қарши курашиш мақсадида ишлаб чиқилган тезкор ва долзарб чора-тадбирлар, амалга оширилган эзгу ва хайрли ташаббуслар, кутилмаган табиий ва техноген офатларни улкан мардоналик, сабр ва матонат билан енгиб ўтган бағрикенг ва олийжаноб халқимизнинг эзгу фазилатлари ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна бир аҳамиятли томони, ушбу салмоқли нашр ҳали дунё миқёсида давом этаётган мураккаб пандемия шароитида барчамизни огоҳ бўлишга, синовли кунлардан муносиб сабоқ чиқариб, орттирилган ҳаётий билим ва тажрибалардан самарали фойдаланишга даъват этади.

ЎзА.

ТУЙҒУ

УМР РАССОМИ



Ҳаёт – турфа хил ранглардан иборат. Умр эса шу ранглларнинг қоришмасидан ташкил топади. Кимнингдир умри оқ, яна кимникидир қора рангга қоришиб кетган. Муқаддас китобларда ёзилишича, бир замонлар Айюб исмли пайғамбар зот ўтган экан. Баданини яра босиб қуртлаган бўлса-да, чидаган ва Худонинг иноятн билан тузалиб, сабр тимсолига айланган экан. Ҳозир-чи? Замоннинг зайлига боқсак, баъзи инсонларнинг тафаккуридан сабр-бардош тушунчалари йўқолиб боряпти. Бир инсондан сўрадим:

— Нега чекяпсиз?
— Енгмоқчиман.
— Нимани?
— Азобларни.
— Осон йўлини танлабсизда...

Аслида, бу ҳаётда гуноҳга ботишдан ҳам осон иш бор эканми? Ўйлаб қарасангиз, ҳар бир саволнинг жавоби бор. Айтайлик, ерга уруғ сепдингиз. Бу — савол. Ниҳол униб дарахтга айланади. Бу — жавоб. Шундай экан, биз бу ҳаётда эзгулик дарахтини экиб ўтишимиз керак эмасми?

Бизларга Оллоҳ томонидан ўз тақдиримизни чизишимиз учун мўйқалам берилган. Ҳаммамиз рассомлармиз. Қанийди, ҳаммамиз қисматимизни чиройли чизиб, умримизга сержило ранглар киритганимизда. Токи, “Ҳаёт” аталмиш бу санъат асари ўзига хос жозибали бўлсин.

Сарвиноз АМИРХОНОВА,
Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети талабаси.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 3086
Буюртма — Г-850
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁰⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: Ҳ. Қодиров. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.